Da'vat

*Xalq uchun nondan so'ng eng muhimi maktabdir.*

Jorj DANTON

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2004-yil 21-iyul, chorshanba № 59 (7668)

# ТАЪТИЛДА ҲАМ ГАВЖУМ МАСКАН







Ўқувчиларнинг таътил мавсумини мароқли ўтказишлари учун жойлардаги ўқувчилар ижодиёт марказларининг роли катта. Чунки, ушбу маскан, асосан, таътил вақтларида гавжум бўладиган таълим муассасаларидан ҳисобланади. Навоий шаҳридаги ўқувчилар ижодиёт марказида ҳам бугунги кунда тўгарак ишлари яхши йўлга қўйилган. Ушбу маскандаги 31 та тўгаракда 1020 нафар ўқувчи касб-ҳунар ўрганмоқда. Тўгарак раҳбарлари ҳам таътил бўлишига қарамасдан ҳар доим ўз иш жойларида. Марказ директори Санобар Қурбонова мунтазам улар билан суҳбатлашиб, муаммоларни ҳал этишда кўмак бериб келмоқда. Тўгаракка қатнаётган ўқувчилар ҳам таътил мазмунли ўтаётганидан, касб-ҳунар ўрганаётганликларидан мамнун бўлишмоқда.

Суратда: Навоий шаҳар ўқувчилар ижодиёт маркази фаолиятидан лавҳалар.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар

## SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

### QAROR

O'zbekiston Respublika Oliy Majlisining Qonunchilik palatasi sayloviga tayyorgarlik ko'rish, uni o'tkazish va Senatni shakllantirish yuzasidan Markaziy saylov kommissiyasining harakatlari dasturi to'g'risida O'zbekiston Respublikasi Markaziy saylov komissiyasining qarori chiqdi. Qaror «O'zbekiston Respublikasi Markaziy saylov komissiyasi to'g'risida»gi Qonunning 9-,10-moddalari va Markaziy saylov komissiyasi Reglamentining 9-, 10-, 28-moddalariga asoslangan.

### ERON KULOLCHILIK SAN'ATI KO'RGAZMASI

O'zbekiston Badiiy akademiyasining Xalqaro madaniyat karvon saroyida Eron kulolchilik san'ati ko'rgazmasi ochildi.

Ko'rgazmada eronlik ustalar Muhammad Mahdiy Anushfar tomonidan yaratilgan yuzdan ziyod badiiy kulolchilik buyumlari — guldonlar, qandillar, ko'za va laganlar namoyish etilmoqda. Har ikkala hunarmand mahalliy hamda xalqaro miqyosda o'tkazilgan badiiy ko'rgazmalarda muvaffaqiyatli ishtirok etgan.

Ko'rgazmada Eron Islom Respublikasining mamlakatimizdagi Favqulodda va muxtor elchisi Muhammad Fathali ishtirok etdi.

(Davomi 2-betda.)

## Ibrat

*Viloyat hokimi tashabbusi bilan Namangan shahrining eng bahavo hududidagi 7 gektarli bog' qo'ynida qad rostlagan Mehribonlik uyi foydalanishga topshirildi.*

## ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

«ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ» — УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ БУ ЙИЛ ҚАНДАЙ ЎТКАЗИЛАДИ? 2-бет

ЎҚИТУВЧИ ҚАНЧА МАОШ ОЛАДИ? 3-бет

Умумий ўрта, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш ТАРТИБИ 8-9-бетлар

БОҒЧА УСЛУБИЙ БИРЛАШМАСИ улардa якуний йиғилишлар қандай ўтказилади? 10-бет

ТАЪЛИМ ВА МАЪНАВИЯТ улар ўртасидаги уйғунликнинг моҳияти нимада? 5-бет

ЁШ ЎҚИТУВЧИ у мактабга қандай мослашади? 7-бет

ҚОСИМЖОНОВ ДУНЁНИ, ҚОСИМОВ ОСИЁНИ ЛОЛ ҚОЛДИРДИ 15-бет

«АРАСТУ» СКАНВОРДИ 16-бет

***Xuddi shunday, o'qituvchilar to'g'risidagi eng yaxshi maqola uchun «Ma'rifat» gazetasida ham tanlov o'tkazilib, g'oliblar nomini «O'qituvchilar va murabbiylar kuni»da e'lon qilish uchun rahbariyatga taqdim etilishi ta'kidlandi.***



## SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

(Davomi. Boshi 1-betda)

### MARKAZIY SAYLOV KOMISSIYASI MAJLISI

**O'zbekiston Respublikasi Markaziy saylov komissiyasining majlisi bo'lib o'tdi. Uni komissiya raisi B.Mustafoev boshqardi.**

**Majlisda O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Qonunchilik palatasi sayloviga tayyorgarlik ko'rish, uni o'tkazish va Senatni shakllantirish yuzasidan Markaziy saylov komissiyasining harakatlar dasturi ko'rib chiqildi va tasdiqlandi.**

**Dastur uch bosqichdan iborat. Birinchi bosqich saylov kampaniyasini o'tkazishga tayyorgarlik ko'rishni o'z ichiga oladi.**

**Ikkinchi bosqich Markaziy saylov komissiyasi tomonidan saylov kampaniyasi boshlanganligini e'lon qilishdan saylov kuniga qadar bo'lgan davrni o'z ichiga oladi. Bu mas'uliyatli vaqt mobaynida mamlakat hamda viloyatlar va tumanlar miqyosida saylovchilar ro'yxatini aniqlashtirish, saylov okruglari va uchastkalarini tuzish, okrug va uchastka saylov komissiyalarining sifat jihatidan tarkibini belgilash, siyosiy partiyalar va saylovchilar tashabbuskor guruhlaridan hujjatlar qabul qilish, Qonunchilik palatasi deputatligiga nomzodlarni ro'yxatdan o'tkazish, ular uchun saylovoldi kampaniyasida teng imkoniyatlar yaratish bo'yicha katta tayyorgarlik ishlari o'tkazilishi nazarda tutiladi.**

**Uchinchi bosqich esa saylov kunidan boshlab 2005 yil 26 fevralgacha bo'lgan davrda amalga oshirilib, parlamentga saylov o'tkazish, uning natijalarini aniqlash, shuningdek, Oliy Majlis Qonunchilik palatasi va Senatining birinchi majlislarini o'tkazishni nazarda tutadi. Oliy Majlis Senatiga saylov o'tkazish muhim tadbirlardan biridir. Shu maqsadda Qoraqalpog'iston Respublikasi Jo'qorg'i Kengesi, viloyatlar, tumanlar va shaharlar davlat hokimiyati vakillik organlari deputatlarining tegishli qo'shma majlislari o'tkazildi.**

**Majlisda Markaziy saylov komissiyasi vakolatiga doir boshqa masalalar ham ko'rib chiqildi.**

# «ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ» — УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ БУ ЙИЛ ҚАНДАЙ ЎТКАЗИЛАДИ?

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» — умумхалқ байрамини ўтказиш тўғрисида буйруқ қабул қилинди. Унинг асосий мақсади ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш йўлида самарали фаолият кўрсатаётган, уларга чуқур билим, кўникма ва малакаларни сингдириб, юксак маънавий қадриятларимиз, миллий истиқлол ғояси ҳамда Ватанга садоқат руҳида тарбиялаб келаётган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини шарафлаш ҳамда 1 октябрь «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» — умумхалқ байрамини муносиб кутиб олиш ва уни юксак савияда ўтказишга қаратилган.

Мазкур буйруққа кўра, «Ўқитувчи ва мураббийлар куни»ни нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари, таълим муассасалари, вазирликлар тасарруфидаги Республика ташкилотлари, барча олий, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари раҳбарлари зиммасига 2 ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликлари, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмиталари билан келишган ҳолда «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» — умумхалқ байрамини кенг ва муносиб нишонлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилиши таъкидланди.

Мазкур тадбирларда асосий диққат-эътибор Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда, туман (шаҳар)лар миқёсида, шунингдек, ҳар бир таълим муассасасида тантанали йиғилишлар ўтказиш;

— жойларда ҳокимлар томонидан фидойи, илғор ва фахрий ўқитувчиларнинг қабулини ташкил этиш;

— ҳудудлардаги чекка қишлоқларнинг ўқитувчилари учун жойларга чиқиб, «Очиқ эшиклар куни»ни ўтказиш;

— маҳаллий матбуот ва оммавий ахборот воситаларида, тантанали йиғилишларда ушбу умумхалқ байрамига бағишланган, шунингдек, таълим тизимидаги ислоҳотларнинг бориши, ютуқлар ва муаммолар, таълим-тарбия жараёнида янги педагогик технологияларни тадбиқ этиш, ўқувчи ва ёшларнинг ҳар томонлама камолотга эришишига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшиб келаётган ўқитувчи ва мураббийларни шарафлашга қаратилган мақолаларни чоп этиш ҳамда чиқишларни ташкил қилиш белгиланган.

*Rasmiy bo'lim*

Халқ таълими вазирлиги Таълим муассасалари Бош бошқармаси ва Таълим жараёнини таъминлашни ташкиллаштириш бошқармаси белгиланган муддатларда таълим муассасаларини янги 2004-2005 ўқув йилига ҳамда куз-қиш мавсумида ишлашга тайёрлаш бўйича ўтказилган туманлараро республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш учун таклифларни раҳбариятга киритадиган бўлди.

Халқ таълими вазирлиги Ахборот-таҳлил ва ташкилий ишлар Бош бошқармасига эса оммавий ахборот воситалари орқали «Ўқитувчи портрети» рукнида мақола ва кўрсатувларнинг бериб борилишини ташкил этиши юклатилди. Худди шундай, ўқитувчилар тўғрисидаги энг яхши мақола учун «Ma'rifat» газетасида ҳам танлов ўтказилиб, ғолиблар номини «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни»да эълон қилиш учун раҳбариятга тақдим этилиши таъкидланди.

Халқ таълими вазирлиги кадрлар ва ташқи алоқалар бошқармаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги кадрлар, илм-фан ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш Бош бошқармасининг зиммаларига эса ўрнатилган тартибда, таълим-тарбия беришда алоҳида муваффақиятларга эришаётган фидокор педагог ходимларни вазирликларнинг тармоқ мукофотлари билан тақдирлаш бўйича тегишли ҳужжатларни тайёрлаш ва 2004 йил 10 сентябрга қадар раҳбариятга тақдим этишлари юклатилди.

Ўйлаймизки, «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» — умумхалқ байрами барча илҳақ кутадиган севимли шодиёна сифатида кенг нишонланади.

## Ma'rifat МАСЛАҲАТХОНАСИ

**Фарғона вилояти, Фурқат туманида яшовчи Х.РАЗЗОҚОВАдан.**

***САВОЛ: Қирғизистон Республикасидаги Боткент давлат университети ёки унинг таркибидаги Қизил Қия гуманитар педагогика институтини тугатгандан сўнг, ўрнатилган тартибда дипломни нострификациялаш мумкинми? Унинг тартиби қандай?***

**ЖАВОБ:** Мазкур масала Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-қарори билан тасдиқланган «Хорижий давлатларда таълим олганлиги ҳақидаги ҳужжатларни тан олиш ва эквивалентликни қайд этиш» (нострификациялаш) Низоми билан тартибга солинган. Ушбу тартиб асосида бу иш билан Давлат тест маркази таркибидаги кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармасининг нострификация бўлими бевосита шуғулланади. Илгари хорижий давлат олий ўқув юртларини битириб келганларнинг дипломи Тошкент шаҳрида нострификациядан ўтган бўлса, ҳозир Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда Давлат тест маркази таркибидаги нострификация бўлимининг вакиллари иш олиб боришиб жойида нострификациядан ўтказишлари мумкин.

**Й.АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси**

# БЕҒАРАЗ ЁРДАМ

Меҳр ва мурувват йилида болаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик кундан-кунга ортиб бормоқда. Яқинда қўқонликлар ана шундай катта мурувватнинг шоҳиди бўлдилар.

Шаҳардаги 9-заиф кўрувчи болалар махсус мактаб-интернатига Япония элчихонаси 63 минг АҚШ долларидан зиёдроқ маблағ ажратганди. Мазкур маблағ интернатдаги 14 та синф ўқув хонасини мукаммал таъмирлаш ва энг замонавий мебел, ўқув жиҳозлари билан жиҳозлашга сарфланди.

Энди бу ерда тарбияланаётган ногирон болалар энг замонавий синф хоналарида таълим олиш имкониятига эга бўлдилар. Яқинда мукаммал таъмирланиб, замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган янги бинонинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

— Биз, япон дўстларимиздан жуда миннатдормиз, — деди шаҳар ҳокими М.Усмонов маросимда. — Бу мурувват ёш авлоднинг баркамол бўлиб вояга етишида катта кўмак бўлиши шуб-ҳасиздир.

Маросимда иштирок этган Япония элчихонаси котибаси Китамурахоним сўз олиб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жараёнида иштирок этаётганликларидан мамнун эканлигини, ўзбек халқи дунё халқлари ичида энг самимий ва бағрикенг халқ эканлигини алоҳида таъкидлади.

Маросимда сўз олган мактаб директори Д.Маҳмудова, ўқитувчи Н.Қосимовлар Япония элчихонасининг кўрсатган беғараз ёрдамларидан жуда мамнун бўлганликларини изҳор этдилар.

**Б.ШОКИРОВ,**
**«Ma'rifat» мухбири**

# МАКТАБ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАХТ

Жиззах шаҳридаги Фурқат номли 14-мактабда 1383 нафар ўқувчи таҳсил олади. Мактаб жамоаси ҳар йили биринчилар қаторида таъмирлаш ишларини ниҳоясига етказади. Жамоа анъанага асосан бу йил ҳам мактабни анча барвақт ўқув йилига тахт қилиб қўйди. Мавжуд 34 та синфхона, спорт зали, ошхона қисқа муддатда сифатли жорий таъмирдан чиқарилди. Иситиш системасининг трубалари қайта таъмирланди.

Таъмирлаш ишларида ота-оналар ва ҳомийлар кўмаги катта бўлди. Ҳомий — «Парвона парвиз» фирмаси (раиси Ғанижон Иномов) мактаб ўқувчилари учун қўшимча водопровод суви келтириб беришга аҳд қилди. Мактабга тоза ичимлик суви келтириш бугун-эрта ниҳоясига етади. Ҳомий ҳимматидан мактаб жамоаси, ота-оналар мамнун.

**А.СОДИҚОВ,**
**«Ma'rifat» мухбири**

# ФАНГА ДОИР СЕМИНАР

*Маълумки, шу йилнинг март ойида Қизил Хоч халқаро қўмитасининг Марказий Осиёдаги ҳудудий ваколатхона-лари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таъ-лим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти ўртасида «Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида халқаро гуманитар ҳуқуқни ўқитишни ташкил этиш чоралари: 2004-2007 йиллардаги стратегик тадбирлар» номли шартнома имзоланди. Яқинда ушбу шартноманинг амалдаги ижросини таъминлаш мақсадида А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказий институтида «Шахс ва жамият» фанини ўқитиш ҳамда мазкур фанга доир янги ўқув қўлланма лойиҳасининг муҳокамасига бағишланган беш кунлик семинар бўлиб ўтди. Тадбирда «Шахс ва жамият» фанига доир қўлланманинг таълим муассасаларида, қай тарзда ўқитилиши, бу борадаги халқаро тажрибалар ХТҲҚТМОМИ ўқитувчилари томонидан турли тренинглар, гуруҳлараро баҳслар асосида ўргатилди.*

**Назокат ХОЛМЕТОВА**

*Qaror va ijro*

# ЎҚИТУВЧИ ҚАНЧА МАОШ ОЛАДИ?

Ўқитувчининг маоши ошди. Унинг таълим унумдорлигига қўшадиган ҳиссаси ўзига хос мезонларда белгиланадиган бўлди. Хўш, бу қандай амалга оширилади-ю, ўқитувчининг эндиги оладиган иш ҳақи миқдори қанчани ташкил этади? Ушбу саволлар бугун кўпчиликни қизиқтираётганлиги рост. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган таълим тизими ислоҳоти, умуман, мактаб таълимини ривожлантириш борасидаги сўнгги фармон ва қарорларга кўра ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш, улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимининг янги самарали механизмини ишлаб чиқиш жараёни қандай кечмоқдаю, унинг мазмун-моҳияти нимада? Шу ва бунга дахлдор саволларга Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотлар асосида жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, мамлакатимиз раҳбарининг республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида қабул қилинган "2004 йил 1 августдан иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги фармонига кўра, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ўртача 1,3 бараварга оширилди. Шундан сўнг Вазирлар Маҳкамасининг 2 июлдаги "Умумтаълим мактаблари ўқитувчилари меҳнатини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги яна бир қарори қабул қилинди. Демак, Фармон бўйича ўқитувчи маоши ҳам 1,3 баробарга кўтарилган ҳолда, энг кам иш ҳақи 6530 сўмни ташкил этадиган бўлди. Ҳисобчилар биладики, агар ушбу рақам коэффициентга кўпайтирилганда ойлик маоши миқдори келиб чиқади. Савол туғилади: 5440ни 30 фоизга кўпайтирганда натижа 6530ни ҳосил қилмайди. Бунинг сабаби нимада? Бу тариф сеткасига ҳам ўзгартириш киритилганлигидан дарак. Бу билан таъриф коэффициенти ўзгарди. Ушбу ўзгартирилган коэффициентларнинг тасдиқланганлиги тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқди ва улар жойлардаги таълим муассасалари ҳисобчиларига етказилди. Ушбу коэффициентларни Молия вазирлиги билан биргаликда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ишлаб чиққан. Шу асос бўлади.

Ўз-ўзидан келиб чиқадики, энди ўқитувчиларга ойлик маоши белгиланаётганда ҳисобчилар ҳисоб-китоб қилиш жараёнида (начисление) ўша, Президент Фармонига кўра қайта белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори 6530 сўмни ўзгарган коэффициентларга кўпайтириши лозим бўлади. Бундан ташқари, шуни таъкидлаш лозимки, ушбу ўзгаришларга қўшимча равишда бошланғич синф ўқитувчиларига Вазирлар Маҳкамасининг 310-қарори бўйича иш ҳақи тўлашда амалдаги 5 фоиз ўрнига 20 фоиз қўшимча белгиланиши таъкидланган. Демак, Президент Фармонига кўра ойлик иш ҳақининг 1,3 баробарга ошиши билан бирга унга 5 фоиз ўрнига 20 фоиз қўшимча иш ҳақи тўланадиган бўлди.

Таҳлил қиладиган бўлсак, юқорида таъкидланган Президент Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ўқитувчиларнинг меҳнатига тўланадиган ойлик маошлари миқдори сезиларли даражада ошганлиги кўринади. Мисол учун, дастлаб мактаб директорининг ойлик маоши миқдорининг ўсиш кўрсаткичига назар ташласак: агарда 1601 нафардан ортиқ ўқувчи ўрни (контингенти)га эга мактаб раҳбари жорий йилнинг май ойига қадар 31 минг 644 сўм олаётган бўлса, юқоридаги Фармонга кўра, ушбу миқдор 1,3 бараварга оширилгандан сўнг мазкур сумма миқдори 41 минг 137 сўмни ташкил этадиган бўлди. Маълумки, мактаб раҳбари ҳам педагог ҳисобланади. Шу боис унинг ҳам мактабнинг, умумий жамоа ишларидан ташқари ўқувчиларга ўз мутахассислиги бўйича дарс ўтиш имконияти мавжуд. Шундан келиб чиқиб, мактаб директори агарда 0,5 ставка дарс юкламасига эга бўладиган бўлса, унинг иш ҳақи миқдори 58 минг 450 сўмга етади. Худди шунингдек, 881-1600 нафаргача ўқувчи ўрнига эга мактаб директори аввал 29 минг 758 сўм олаётган бўлса, ҳақ тўлашдаги киритилган ўзгаришлардан сўнг қўшимча 0,5 ставка дарс юкламасига эга бўлган ҳолда 56 минг сўм оладиган бўлди. Албатта, рақамлардан ҳам кўриш мумкинки, бу сезиларли ўзгариш.

Шуни таъкидлаш лозимки, ушбу Фармон ва қарорларнинг эълон қилиниши билан айримларда шу кунга қадар Вазирлар Маҳкамасининг 409-қарори асосида ўқитувчи меҳнатига тўланадиган қўшимчалар чекланди, деган тушунчалар ҳам пайдо бўлди. Олдиндан айтиш керак, бу нотўғри маълумот. Тўғри, 409-қарорнинг 1-банди яъни, умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг ойлик маошларига қўшимчалар банди ўз кучини йўқотади. Шу билан бирга 1 сентябрдан эътиборан, қўшимчалар миқдори оширилади. Ихтисослашган мактаблар, яъни, лицей ўқитувчисига тўланадиган 20 фоизлик қўшимча, интернатда фаолият кўрсатаётган ўқитувчига бериладиган 50 фоизлик ва махсус мактаб мураббийсига тўланадиган 100 фоизлик маошга қўшиладиган қўшимчалар тўланиши яна давом эттирилади. Шундан келиб чиқиб, ҳисоб-китоб қилинса, биргина махсус мактаб директори дарс бериш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда янги ўқув йилидан бошлаб 116 минг 900 сўм ойлик маоши оладиган бўлди.

Энди бошланғич синф ўқитувчиси ойлик маошидаги ўсишга эътибор беринг. Агарда, бошланғич синф ўқитувчиси Вазирлар Маҳкамасининг 2 июль қарорига қадар яъни, 1 августгача 28 минг 406 сўм, дарс соатлари ҳамда унга қўшимча тарзда дафтар текшириш ва синф раҳбарлиги учун 4300 сўм қўшилиб, жами 32300 сўм олиб келган бўлса, энди айни ушбу ўқитувчининг ойлик иш ҳақи 52 мингни ташкил этади. Бу олий тоифали бошланғич синф ўқитувчисининг бир ойлик иш ҳақи миқдоридир. Албатта, бу ўқитувчи меҳнатига ҳақ тўлашдаги охирги тўхтам эмас. Ҳозирда бу жараённи янада ислоҳ қилиш, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш бўйича ўзига хос изланишлар давом эттирилмоқда Ўз ўрнида шуни ҳам эслатиб ўтиш ўринлики, Вазирлар Маҳкамасининг "Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг 1-бандига кўра бошланғич синфлар ўқитувчиларига амалдаги ҳар ойлик устамалар Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси бўйича тариф ставкасининг 5 фоизидан 20 фоизигача миқдорда деб кўрсатилган бўлса-да, жорий йил аввалида барча бошланғич синфлар ўқитувчилари ойлик маошларига ойлик устамалар 20 фоизга тенг бўлади.

Худди шундай ўқитувчи ойлик маошидаги ўзгариш юқори синф муаллимлари иш ҳақларида ҳам сезиларли даражада ошган. Масалан, 1 августдан бошлаб биринчи тоифали ўқитувчининг бир ойлик маоши (бунда ҳам синф раҳбарлик ва дафтар текширганлик ҳисобга олинади) 39 минг 850 сўмни ташкил этса, иккинчи тоифали ўқитувчи 37 минг 607 сўмни, олий тоифали ўқитувчи эса 42 минг 154 сўм миқдорида иш ҳақи оладиган бўлди.

Яна бир эътиборли жиҳат: хабарингиз бор, Президентимизнинг республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида чиқарган Фармони билан баб-баравар тарзда эълон қилинган Вазирлар Маҳкамасининг умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг, энг аввало бошланғич синфлар ўқитувчиларининг меҳнатини моддий рағбатлантиришни янада кучайтириш юзасидан қабул қилган қарорлари асосида мактаб таълимидаги энг заиф бўғин айтарли даражада мустаҳкамлангандек бўлди. Аммо бунда ҳам ушбу заифликни келтириб чиқарган омил — педагоглар истеъдоди, касб-маҳорати уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш чоғида ҳали ҳам белгиловчи мезонга айланмаганди. Бироқ, Вазирлар Маҳкамасининг куни кеча эълон қилинган "Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир экспримент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш тўғрисида"ги қарори том маънода ушбу тизимда ҳам туб бурилиш ясади, десак муболаға бўлмайди. Зеро, ушбу қарорга кўра 2004-2005 ўқув йилининг дастлабки куни — 1 сентябрдан бошлаб ўқитувчининг юқорида кўрсатилган ойлик маошларига қўшимча тарзда умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига касб маҳорати ва ўқув жараёнига қўшган аниқ улуши, юқори самарадорлик ва ўқитиш сифати учун — ўқувчиларнинг тест синови натижалари бўйича аниқланадиган таълим стандартларини ўзлаштириб олиш даражасига қараб 25 фоизгача миқдорда, шунингдек, тарбиявий ишлар ва синфдан ташқари ишларнинг олиб борилганлиги учун — ўқувчиларнинг тўгараклар ва секциялардаги мунтазам машғулотларга ва ижодий фаолиятга жалб этилиши даражасига қараб 15 фоизгача миқдорда тариф сеткасида ойлик махсус устамалар белгилаш бўйича экспримент ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилди. Бундай устамалар (25 фоизгача) метод кабинетлари методистларига ҳам ўқув жараёнида фойдаланиладиган ўқув методик материаллар ишлаб чиқишга, янги педагогика технологиялари жорий этишга, ўқитувчиларнинг илғор тажрибаси кенг ёйилишига қўшган шахсий улуши учун белгиланиши қайд этилган.

Табиий савол туғилади: хўш, мазкур устамаларнинг тўланиш механизми қандай бўлади?

Маълумки, ўқитувчи касби ўзига хос хусусиятга эга. Унинг масъулиятли томони шундаки, у бола (инсон) билан ишлайди. Ўз-ўзидан аён, бугунги соҳадаги ислоҳотлар ўқитувчи зиммасига ўзига хос талаб қўйди. Аслида, бу талаб азалдан бор. Зотан, устоз ҳар қандай вазиятда ҳам шогирд камолини ўйлаб иш тутади. Яъни, ҳақиқий педагог бир қолипдаги дарс ўтиш усулидан аллақачон воз кечган. У ўқувчига мустақил шахс, келажак вориси сифатида қараб келади. Ҳолбуки, юқоридаги қўйилган талабни барча ўқитувчи ҳам бирдек бажара оляпти, деб айта олмаймиз. Қайсидир ўқитувчи ўз ишига масъулият билан ёндошади, ўқувчиларга қўшимча машғулотлар ташкил этиб, уларнинг чуқур билим эгаллашига замин ҳозирлайди. Яна бошқа бир ўқитувчи ҳали ёш, тажрибаси кам. Бироқ бундай ишларга бепарво, мактабга келиб-кетишдан нарига ўтмайдиган ўқитувчилар ҳам афсуски йўқ эмас.

Тўғри, фаол, ижодкор, ўз касбига содиқ ўқитувчиларни рағбатлантириб бориш тизими амалдаги 22-разрядли тариф сеткасида ҳам мавжуд эди. Яъни, мактабларда доимий тарзда ўтказилиб туриладиган педагогик кенгашларда ўзига хос ютуқларни қўлга киритган ўқитувчиларни моддий рағбатлантириб бориш назарда тутилган. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 414-сонли қарорига кўра таълим муассасаларининг ўз ички имкониятидан келиб чиқиб, сармоядан ташқари топган маблағларининг даставвал 15 фоизи, сўнгра эса 25 фоизини мактаб жамоаси меҳнатини рағбатлантириб бориш учун йўналтириш белгиланган эди. Аммо бу механизм ягона тизимга солинмаганлиги кўплаб тушунмовчилик ва хатоларни келтириб чиқараётганди. Янги ўқув йилидан умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ва методик кабинетлари методистлари иш ҳақига кўрсатиб ўтилган устамаларни жорий этиш бўйича ўтказилиши режалаштирилаётган экспримeнтнинг афзаллик томони шундаки, унда биринчи навбатда ўқитувчи ва методистларнинг асосий иш ҳақига устамалар белгилаш тартиби ва мезонлари ишлаб чиқилган.

Хўш, умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига қай мезонлар асосида устамалар белгиланади? Биринчидан, касб малакаси ва ўқув жараёнига қўшган аниқ шахсий улуши, ўқитишнинг юқори самараси ва сифати учун умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига устамалар белгилашда махсус комиссиялар қуйидаги асосий мезонлардан келиб чиқадилар: ўқувчиларнинг билими, малака ва кўникмалари умумий ўрта таълим учун белгиланган давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлиги даражасига қараб. Бунда ўқитувчининг ўқув-тарбия жараёнини ўқувчиларнинг қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантиришга йўналтирилган индивидуал хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этиши, ўқув дастурига мувофиқ билимларни ўзлаштириш даражасининг мустаҳкамлигини таъминлайдиган педагогик ишнинг юқори самараси ҳамда тест синови натижалари ва баҳолашнинг рейтинг усуллари бўйича белгиланадиган ўқитишнинг яхши сифати, шунингдек, қобилиятли ва иқтидорли ўқувчилар билан якка тартибда иш олиб борилишининг ташкил этилиши ҳисобга олинади.

Иккинчидан, умумтаълим муассасалари ўқитувчилари томонидан тарбиявий ва синфдан ташқари ишларнинг олиб борилганлиги ва ўсиб келаётган авлодни тарбиялашда улар томонидан қўшилган аниқ шахсий улуш учун устамалар белгилашда махсус комиссиялар қуйидаги асосий мезонлардан келиб чиқадилар: аввало, ўқувчиларнинг тўгараклар ва секциялардаги мунтазам машғулотларга ва ижодий фаолиятга жалб этилиш даражаси, мактаб ўқувчиларида ҳаётий кўникмалар, маънавий ҳамда ирода билан боғлиқ фазилатлар шакллантирилиши ишларининг самаралилиги ва уларни касбни онгли равишда танлашга тайёрлаш ишларини қай тартибда олиб борилганлиги. Шунингдек, касб маҳорати ва ўқувчиларни маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича синфдан ташқари машғулотларнинг ўтказилиш савиясига қаралади.

Мактабдаги таълим жараёнининг методик таъминланишини яхшилашга шахсий улуш қўшганлиги учун методика кабинетларининг методистларига устамалар белгилашда эса қуйидаги асосий мезонлар ҳисобга олинади. Даставвал ўқув жараёнида фойдаланилаётган ўқув методик материаллар ва методик тавсияларни ишлаб чиқишда шахсан иштирок этиш, ўқув тарбия жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этиш, умумтаълим муассасалари ўқитувчилари ва раҳбарларининг илғор тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ва ёйиш ишларининг самараси алоҳида эътиборга олинади. Шунингдек, ўқитувчиларнинг касб маҳоратини оширишга йўналтирилган ишлар, ўз фани бўйича таълим берувчи семинарлар ва мақсадли қисқа муддатли курсларнинг ташкил этилиши ҳам муҳим ўрин тутади.

Бу ўринда, махсус комиссия таркиби қандай шаклланади? Ва унинг ишини мувофиқлаштириш механизми қандай бўлиши ҳам барчани қизиқтириши, шубҳасиз. Айтиш керакки, умумтаълим муассасалари ҳузуридаги махсус комиссиялар таркибига умумтаълим муассасалари раҳбарлари, педагогика кенгаши аъзолари, шунингдек, ота-оналар қўмитасининг фаол аъзолари кирадилар. Махсус комиссияларни тегишли равишда умумтаълим муассасалари ва халқ таълимини бошқариш ҳудудий органлари раҳбарлари бошқаради.

Умумтаълим муассасаларида тузиладиган комиссиялар ўқитувчиларнинг ўтган ўқув йилидаги ишларини баҳолаш натижалари бўйича уларга ушбу мақсадларга ажратган маблағлар доирасида ҳар ойлик устамалар белгилайдилар. Халқ таълимини бошқариш органлари ўқитувчилар ёки методистлар фаолияти мониторинги ва ўқувчиларни тест синовидан танлаб ўтказиш мақсадида тавсия этилган номзодларнинг ва уларга белгиланган устамаларнинг холисонлиги ва асосланганлигини текшириш ҳуқуқига эгадир.

Таъкидлаш керакки, ишларнинг натижадорлиги ва касбий маҳорат учун, ўқитувчининг тарбиявий ва синфдан ташқари ишларни амалга оширганлиги учун ҳамда методистларга таълим жараёнини методик таъминлашни яхшилашга қўшган шахсий ҳиссаси учун устамалар ўқув йили бўйича, ўтган ўқув йилдаги ишларнинг якунларига кўра белгиланади. Зарур ҳолларда ўқитувчи ёки методистнинг ўтган ўқув давридаги (чорак, ярим йиллик ва шу кабилар) ишларини ўрганиш якунларига биноан махсус комиссия устамаларнинг белгиланган миқдорларини қайта кўриб чиқиши мумкин. Эслатиш жоиз, натижадорлик учун устама бошланғич синфлар ўқитувчиларига — синф билан иш олиб боришда муайян кўрсаткичларга эришиш бўйича, ўқув фани ўқитувчиларига эса ўқитилаётган фанга доир муайян кўрсаткичларга эришиш бўйича белгиланади. Эътиборлиси, ўқитувчига бир йўла икки хил: касб маҳорати ва натижадорлик учун ҳамда тарбиявий ва синфдан ташқари ишларни амалга оширганлик учун устамалар белгиланиши мумкин.

Ҳозирда жойларда ўқитувчиларнинг ўтган йилги эришган натижаларига кўра тўланиши лозим бўладиган қўшимча устамаларнинг миқдори аниқланмоқда. 15 августга қадар ҳар бир ўқитувчига қанча устама белгиланганлиги тўғрисидаги хулосалар мактабнинг ички мониторингида таҳлилдан ўтказилиб, педагогик кенгашда қайси ўқитувчи маошига қанча устама белгиланиши лозимлиги тасдиқлангандан сўнг туман халқ таълими бўлимларига юборилади.

**Баҳодир ЖОВЛИЕВ,**
**"Ma'rifat"нинг махсус мухбири**

**Tog' yon bag'rida 600 ta tomoshabin o'rniga ega bo'lgan katta bir o'yingoh qurib foydalanishga topshirildi.**



## ЯПОНИЯЛИК МУТАХАССИСЛАР — ХОРАЗМДА

**Япониянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги JICA (Жайка) ташкилоти вакиллари Хоразм халқ таълими муассасаларида бўлиб, бу ердаги муҳит билан яқиндан танишмоқдалар.**

**Хоразм ўрта таълим тизимидаги фан ва спорт йўналишлари бўйича Урганч шаҳридаги 2-мактабда ва спорт мактабида, Хива ва Урганч туманларидаги ўқув масканларида бўлган кўнгиллилар олиб борилаётган спорт машғулотларини кузатдилар.**

**— Японияликларнинг урф-одатлари, маданияти, маънавияти айнан ўзбек халқи удумларига тўғри келар экан, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси "Таълим маркази" бош мутахассиси Светлана Сафарова, — таълим борасидаги японияликлар тажрибаси энг яхши самара берганлиги барчага маълум. Бугун улар ўз тажрибалари билан хоразмлик зиёкорлар ҳузурида. Тажриба алмашиш эса фойдадан холи эмас.**

**Меҳмонлар бир ҳафта мобайнида воҳада бўлишди.**

**Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА,**
**"Ma'rifat" мухбири**

## «УСТОЗ» ЎРНАК БЎЛИШ ДЕГАНИ

*Tuyg'u*

*Ҳозирги кунда ёшларни мустақиллик руҳида тарбиялаш, улар онгига миллий ўзликни сингдириш, энг аввало мураббийлар вазифасидир. Пойдевори мустаҳкам иморатга кучли довуллар таъсир қилмаганидек, фикри теран, маънавиятли ёшларга ҳам ёвуз ғоялар ўз таъсирини ўтказа олмайди. Шундай ёшларни тарбиялаб етказаётган устозлар талайгина. Шулардан бири Фарғона вилоятининг Бешариқ туманидаги 42-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Дилдора Мадаминовадир.*

*Дилдора опа 2003 йил "Ўзбекистон халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони ва кўпгина "Фахрий ёрлиқ"лар билан тақдирланди. У кишидан таълим олган ўқувчилар кўплаб фан олимпиадалари, турли кўрикларда фаол қатнашиб, ғолиб бўлиб келишмоқда. Биргина мисол, ўтган йили ўтказилган "Сиз тарихни биласизми?" кўрик-танловининг туман босқичида унинг ўқувчилари фахрли 1-ўринни эгаллаб, вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.*

*Шуни таъкидлаш лозимки, Дилдора опа ва кўпгина жонкуяр устозлар ташаббуси билан мактабда турли тарихий тадбирлар ҳам бўлиб туради. Яқинда Амир Темур ва Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди, халқимизнинг фаровон турмуши йўлида амалга оширган эзгу ишларига бағишланган "Билимдон ёш тарихчи" мактаб мусобақаси ўтказилиб, ғолибларга мактаб маъмурияти ва устозларнинг эсдалик совғалари топширилди. Бу ҳақда сўраганимда: "Ўқувчиларни тарих бу фанига янада қизиқтириш, меҳрини ошириш учун турли хил ўйинлар, тадбирлар, мусобақалар уюштириб тураман. Ва бунда ўзим ўрнак бўлишга ҳаракат қиламан. Чунки ўқитувчи ўзи намуна бўлгандагина ўқувчини ортидан эргаштира олади".*

*Истардимки, Дилдора опадек таълим фидойилари кўпайиб, аждодларимизга муносиб, билимли ва албатта, ватанимиз эртасига хизмат қилувчи ёшларни тарбиялашда чарчамасинлар.*

**Умида УЗОҚОВА,**
**Бешариқ туманидаги 26-мактаб битирувчиси**

## БОЛАЛАР ҲУЗУРИДА

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Избоскан тумани бўлимининг ташаббуси билан «Машъал» болалар ва ўсмирлар оромгоҳида «Камолот» кунлари» ўтказилди.**

**Оромгоҳ байрамона безатилди. Дастлаб спортнинг футбол тури бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Унда дам олувчиларнинг «Шабнам» ва «Озода» гуруҳлари беллашдилар. «Шабнам» ғолиб бўлди. Шундан сўнг навбат «Қувноқ стартлар» эстафетасига келди. Болалар арқон тортиш, узоққа сакраш каби қизиқарли ўйинларда куч синашдилар. Айниқса, шахмат-шашка мусобақаси қизиқарли кечди. Унда 2-гуруҳ дам олувчиси Азизбек Абдуллаев оромгоҳнинг мутлақ ғолиби, деб топилди.**

**Куннинг иккинчи ярмидаги тадбирлар — кичкинтойларнинг бадиий чиқишлари, оромгоҳ ҳаётига оид ҳамда гиёҳвандлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган театрлаштирилган саҳна кўринишлари барчага манзур бўлди. Шодиёна айланиб кетган тадбир якунида ғолибларга совға улашилди.**

**О.СИДДИҚОВ**

## «МИНГЧИНОР» ЧИРОҚЛАРИ

*Yozgi oromgohlarda*

*"Мингчинор" — Китоб туманининг қўшни Самарқанд вилояти билан чегарадош ҳудудларида жойлашган тоғлар қучоғидаги сўлим бир дам олиш маскани. Унинг "Мингчинор" деб аталишига келсак, бу бир атама холос. Аслида бу ердаги "Тахтиқорача" довонлари билан бас бойлашиб, кўкка бўй чўзган чинорларнинг санаб саноғига етиш амри маҳол. Уларнинг сони балки, ўн мингдир, балки ундан-да кўпроқдир...*

*"Мингчинор"даги оромгоҳларнинг сардори "Ёш алангачи" бўлади. Муборакнефтгаз унитар корхонаси тасарруфидаги бу болаларнинг ёзги оромгоҳи бир сўз билан айтганда бекаму кўст яратилган.*

*Жорий йилимизнинг бошидан ёзги дам олиш мавсумига қадар оромгоҳда амалга оширилган қурилиш ва яратиш ишларини неча ўн йилларга қиёслаш мумкин. Тоғ ён бағрида 600 та томошабин ўрнига эга бўлган катта бир ўйингоҳ қуриб фойдаланишга топширилди. Айни кунда болалар бу ўйингоҳда футбол, волейбол, баскетбол каби оммавий спорт ўйинларини ўйнаяпти. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Болаларнинг эрталабки ва кечки пайтлардаги дам олиш соатларини янада мазмунлироқ уюштириш учун яна тоғ ён бағридан "Сайргоҳ" бунёд этилди. Ишонасизми, "Сайргоҳ"да йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Ўзаро суҳбатлашиш, шахмат-шашка ва теннис ўйнаш, мусиқа тинглаш ва яна расм хоналари, ҳамма-ҳаммаси дид билан безатилган. Ҳар бир фаввора ёнида йўлбарсу айиқларнинг гўё тирикдек турган баҳайбат тимсолларини кўриб лол қоласиз...*

*— Болаларнинг вақтини мазмунли ўтказишга ҳаракат қилаяпмиз, — дейди "Ёш алангачи" оромгоҳининг бош етакчиси Ғайрат Ҳофизов. — Мавжуд 15 та гуруҳ орасида турли-туман спорт мусобақаларини, у ёки бу мавзуга оид мушоира ва кўрик-танловларни йўлга қўйганмиз. Айни кунда оромгоҳимизда 15 номдаги тўгараклар мунтазам фаолият кўрсатаяпти. Айниқса, компьютер, қўғирчоқ ясаш, бичиш-тикиш, пазандачилик, ўлкашунослик, бадиий ҳаваскорлик, техник ижодкорлик каби тўгаракларимизга болаларнинг қизиқиши катта. Кутубхона ва қироатхонамиз, маънавият ва маърифат хонамиз, кинотеатримиз ҳамиша болалар билан гавжум...*

*— "Кўнгилдагидек дам олиш, ҳордиқ чиқариш" деган гапнинг ичида "тўйимли ва тансиқ таомлар еб туриш" деган гап ҳам яширинган. Бунга нима дейсиз? — сўраймиз "Ёш алангачи" оромгоҳининг директори Ҳайдар Қаландаровдан.*

*— Тўғри гап. Боланинг мазмунли дам олишининг асосини овқатланиш ташкил этади. Дам олишга, ҳордиқ чиқаришга келган бола худди сиз айтгандек тўйимли ва лаззатли таомлар тановвул қилиши керак. Бу хусусда оромгоҳимизда муаммо йўқ. Болаларимиз кунига 5 маҳалдан овқатланишаяпти. Овқатларимиз сифатли, ширин. Мева-чевалар ҳам сероб. Оромгоҳимизда нонвойхона ва шу билан биргаликда кондитерлик цехи ташкил этдик. Нон ва кондитер маҳсулотларимиз ҳам сифатли, ҳам арзон. Оромгоҳимизда бир боланинг бир кунлик овқати учун 2350 сўм сарфланаяпти. Бу пулнинг 900 сўмини ҳомий ташкилотимиз қоплаяпти.*

*Оромгоҳда ҳар босқичда 440 нафардан бола дам олса, мавсум давомидаги 4 та босқичда жами 1760 нафар бола дам олади. Жамоа аъзолари дам олиш мавсуми бошлангунча керакли, бузилмайдиган, сифатини йўқотмайдиган маҳсулотларни мумкин қадар арзон нархларда анча-мунча жамғариб қўйганлиги, айни пайтда жуда қўл келмоқда.*

**Абдували ОБИДДИНОВ,**
**"Ma'rifat"нинг махсус мухбири**



**Ёзги таътил мароқли ўтмоқда**

*Milliy istiqlol g'oyasi*

# ТАЪЛИМ ВА МАЪНАВИЯТ

## улар ўртасидаги уйғунликнинг моҳияти нимада?

Донишмандларнинг таъкидлашича, инсоннинг энг катта хатоси тарихдан сабоқ олишни билмаганлигидадир. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Тўғри сабоқ олишга бир томондан у ёки бу фуқарода мавжуд ҳолатни англашга бўлган эҳтиёжнинг борлиги ёки йўқлиги таъсир этса, бўлак томондан, унга жамиятдаги мафкуравий муҳит, сиёсий тузум таъсир кўрсатиши мумкин.

Олинадиган сабоқ алоҳида шахс ёки жамият томонидан ўз олдига қўйилган мақсадга боғлиқдир. Белгиланган тўғри мақсад бизни ривожланишга, ўзимиздаги ижобий хислатларни янада кўпайтириш ва такомиллаштиришга рағбат беради. Нотўғри мақсад эса, бир инсоннинг, айни пайтда бутун-бутун халқларнинг тарихий тақдирида машъум рол ўйнаши мумкин. Бунга тарихда мисоллар кўп.

Мустақиллик халқимизнинг буюк келажак сари "юришида" энг олий мақсадларини белгилаш ва уларга эришиш йўлларини аниқлаб олишга имкон яратди. Мақсадимиз тайин: демократик, ҳуқуқий, инсонпарвар, фуқаролик жамиятини барпо этиш. Бундай жамиятни барпо этишга йўналтирилган воситалар ҳам тайин: маънавият, маърифат. Ушбу ҳар иккала тушунча жамиятни поклантирувчи куч ҳисобланади. Маънавий омиллар пировард натижада ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган шахсни тарбиялашга шароит яратади.

Шу маънода мустақил фикрловчи, ўз фикрини эмин-эркин ифода этувчи шахс мамлакат келажаги учун масъул эканини ҳам аниқ. Демак, ривожланишнинг ҳозирги босқичида демократик, фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг, баркамол авлод шаклланишининг энг муҳим шарти маънавий омиллардир. Юртбошимиз томонидан маънавият-маърифатни давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилишининг заминида ҳам ўша ҳақиқат ётибди. "Барчамиз яхши биламизки, — дейди Ислом Каримов, — фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришдан иборат".

Ҳукуматимиз баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор бермоқда. Баркамол авлод — иймон-эътиқоди бутун, иродаси бақувват, мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурига таяниб яшайдиган эркин, комил инсондир.

"Мустақиллик", "Баркамол авлод", "Маънавият-маърифат", "Тафаккур ўзгариши" каби сўзлар ҳозирги кунда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу ўринда таълим тизими, унда миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги, ўқитишда маънавий омилларнинг ўрни ва роли тўғрисида аниқ фикрларни билдириш муҳимдир.

Маълумки, таълим ҳам маънавият, ҳам маданият деб аталувчи ўта муҳим, ижтимоий зарур ҳодисанинг устувор устунлардан ҳисобланади.

Таълим ва маънавият аслида, баркамол авлодни шакллантиришга йўналтирилган бўлсада, уларнинг ўзига хос феноменал хусусиятли жиҳати, ижтимоий вазифаси борлигини эсдан чиқармаслик керак. Масалан, таълим тизими инсоннинг шаклланиши билан боғлиқ вазифаларини бажаришга, жамият тараққиёти учун зарур бўлган мутахассис кадрлар тайёрлашга хизмат қилади. Маънавият эса кўпроқ инсоннинг ўзлигини англаши, унинг руҳий покланиши, иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлашга йўналтирилган тизимдир. Шунинг учун ҳам, барча зўр мутахассис, энг лаёқатли ходим ҳам яхши одам, гўзал инсон бўлмаслиги мумкин. Маънавият каби буюк ботиний кучнинг таъсиридагина мутахассис ходим том маънода шаклланиши бор гап.

Маънавий омиллар хусусан, яхши бадиий асар, саҳна, кино асарлар миллий бирлашиш учун замин яратади. Умуминсоний ва умуммиллий манфаатларга зид асарлар эса вайронкорлик ғояларининг юзага келишига сабаб бўлади. Шу ўринда Президентнинг маънавиятнинг мафкуравий мақсадлар йўлида фойдаланиши мумкинлиги хусусида тўхталиб ўтган яна бир фикри: "Баъзан беозоргина бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади".

Демак, маънавий омиллар инсон мавжудлиги ва унинг ўзини-ўзи намоён этишнинг воситасидир. Хўш, шундай экан, унда ҳозирги шароитда таълим ва маънавият уйғунлиги масаласининг умумий ҳолати нимадан иборат? Умуман, бундай уйғунлик зарурми?

Албатта, зарур. Ижтимоий билимлар инсон маънавий дунёсига пойдевор бўлгани каби маънавий дунёқараши кучли шахсгина ижтимоий фаол фуқарога айланиши мумкин. Яъни, демократик жамият суст фаолият кўрсатадиганлар билан қурилмайди. Ижтимоий фаоллик, кучли сиёсий маданият туфайлигина фуқаролик жамиятини барпо этиш мумкин.

Ўтган асрнинг 70-йилларида Болтиқбўйи давлатларидаги мактабларда ўқувчиларнинг математика фанига бўлган қизиқиши сусайганлиги аниқланган. Шундай шароитда қизиқ тадқиқот ўтказилди: мактабларда мусиқа, расм каби фан предметларига кўпроқ соатлар ажратилди. Натижада болаларнинг математикани ўзлаштириш даражаси, уни ўрганишга бўлган қизиқиши жиддий равишда ортди.

Баъзан, талаба-ёшларда бизга ижтимоий-гуманитар, маънавий-маърифий йўналишдаги предметлар нима учун керак, ахир биз бўлғуси инженер, врач, агрономлар бўлсак, деган мулоҳазалар туғилади.

Тўғри, бизга юксак талабларга жавоб берадиган, замонавий билимларга эга ходимлар жуда керак. Аммо, улар, биринчи навбатда маънавий пок, мафкуравий пишиқ, иймон-эътиқодли ҳамда ўз Ватани, миллати учун юксак ватанпарварлик туйғуларига эга бўлишлари ҳам лозим.

Мазкур ҳолат билан боғлиқ яна бир мулоҳаза мавжуд. Гап баркамол авлод тарбиясида замонавий ўқитиш усуллари, компьютер, интернет тизими, масофадан туриб ўқитиш, ахборот олишнинг бошқа усулларининг аҳамияти хусусида кетмоқда. Ҳозирда энг катта танқислик — ахборот танқислигидир. Бунинг даражаси ошиб бораверади.

Бу — табиий жараён.

Аммо, таълим соҳасида рўй бераётган бундай ўта жиддий ижобий ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда, у туфайли содир бўлаётган айрим камчиликлар тўғрисида ҳам фикрлашиш керак, деб ўйлаймиз. Масалан, ҳозир айрим ёшларимизда замонавий ахборот технологияларига "сажда" қилиш, уларни ҳаддан ортиқ даражада илоҳийлаштириш юзага келаётганлигини эсдан чиқармаслик. Ва бундай ҳол айрим салбий ҳолатларни юзага келтирмоқда.

Шулардан бири — таълим тизимига технократик ёндашувдир. Яъни, талаба-ёшлар компьютер мавжуд хонадан чиқмаган ҳолда маданият, санъатнинг хоҳлаган тури билан танишиш мумкин, бунинг нимаси ёмон, дейишлари мумкин. Технократик ёндошув — одамда жамоа бўлиб яшаш ҳиссини сўндиради, ўзининг манфаати билан умуминсоний манфаат ўртасидаги мутаносибликнинг бузилишига олиб келади. Айни пайтда бундай ёндашув шахсда ўз тафаккурида ислоҳ ҳиссини пасайтиради. Маънавият эса шахсни, айниқса, ёшларни тафаккур этишга, воқеа-ҳодисаларга ноанъанавий тарзда баҳо беришга ундайди. Бошқача сўз билан айтганда, маънавий омиллар шахсда ўзини-ўзи англаш, ўзини-ўзи ривожлантиришга рағбат уйғотади.

Бир хил тарзда фикрлайдиган, анъанавий усулларда ўйлайдиган шахсда фантазияга мойиллик бўлмайди. Ахир, яхши шеър, бадиий асар ўқисак, бадиий публицистик фильм томоша қилсак, саҳна асаридан баҳраманд бўлсак ўзимиз руҳимизда ўзгариш бўлганлигини сезамиз-ку! Демак, биз таълим жараёнида маънавий омилларнинг ўрни ва роли тобора ортиб бориши ва бу мамлакатда қурилаётган жамият мазмун-моҳиятига мос келишини англаб етишимиз муҳимдир.

Маълумки, инсонда бир-бири тўғрисида гапиришга истак доимо кучли бўлади. Лекин, бир-бири билан мулоқот қилиш, баҳсга киришиш истаги ҳаммада ҳам бўлавермайди. Нима учун? Чунки, бир-бири билан гаплашиш, баҳсга киришиш учун шахсда, айниқса, ёшларда билимнинг у ёки бу соҳаси бўйича маълум пойдевор бўлиши керак. Ҳозирда айрим талаба-ёшларда мулоқот ва баҳс маданиятининг етишмаслиги ҳам шундан.

Замонавий талаба, ўқувчи қандай бўлиши лозимлиги тўғрисида ҳар биримизда ўзига хос жавоб бордек. Талаба ақлли, фикрловчи, ўзини ва ўзгаларни ҳурмат қилувчи бўлиши керак. Буларнинг бари тўғри.

Аммо, бизнинг назаримизда, ҳозирги кун талабаси энг аввало, ўз олдига ностандарт савол — масала қўйиш қобилиятига ва унга мос равишда ностандарт жавоб бериш лаёқатига эга бўлиши лозим. Ностандартлик — эркин фикр асосида юз беради. Унинг натижасида янгилик юзага келади.

Инсон ҳаётини фақат тирикчилик ташвишию қорин ғами белгиламайди. Инсон учун моддий эҳтиёждан кўра кўпроқ тафаккурни қамраган, руҳиятини банд этган маънавий омиллар муҳимроқ эканлиги айни ҳақиқатга айланмоқда. Бундай омиллар ҳар бир фуқаро, ёш талабалар юрагини тўлқинлантиради, уларда маданият, санъатдан завқ олиш ҳиссини уйғотади. Бундай ҳис, пировард натижада инсон фаолиятида амалий ҳаракат сифатида намоён бўлади.

Ҳар бир асар ҳар бир одам учун турлича таъсир даражасига эга. Демак, ҳар бир одам ундан ўз маънавий салоҳиятига яраша хулоса чиқаради, "янгилик" яратади. Масалан, Леонардо да Винчининг Моно Лиза портрети бўйича 2 та опера, 18 та китоб, 6 та трагедия, 8 та кинофильм яратилган. "Гамлет" тўғрисида 15 минг илмий тадқиқот олиб борилган. Рафаэлнинг "Сикстинская мадонна"си бўйича 40 минг асар яратилган.

Хўш, бу нимадан далолат беряпти? Тафаккури бор одам, ўзини ислоҳ этишга мойил шахс ноанъанавий тарзда фикрлайди, мулоҳаза этади. Алишер Навоий, Бобур асарлари, Бухоро, Самарқанд, Хива каби шаҳарлардаги юксак маданият даражаси ҳисобланган мақбаралардан бизнинг "топганимиз" ҳам бир-бирига ўхшамайди-ку!

Ўзбекистоннинг ҳозирги ривожланиш босқичида талаба-ёшлар ўртасида ноанъанавий тарзда фикрлашга ҳалақит қилаётган жиҳатлардан яна бири — ҳозирги ёшларимизнинг айрим қисмида диалог — мулоқот қилиш маданиятининг камлигидир. Ахир, фуқаролик жамияти диалогсиз барпо бўлиши мумкинми?

Мустақилликнинг дастлабки йилларида биз асосий эътиборни ўтмиш маданий меросини тиклаш, ўрганишга қаратдик. Бу ўта муҳим иш эди, зеро, биз ўз маънавий заминларимизда мустаҳкам тура олмас эканмиз, унда буюк келажак тўғрисида фикр юритиш, ундан руҳ олиш мумкин эмасди.

Биз, ўзбеклар, Юртбошимиз сўзи билан айтганда, маърифатли дунёга Бухорийлар, Фарғонийлар, Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбекларни бердик. Уларга юксак иззат-икром кўрсатдик. Аммо, ўзгараётган дунё, учинчи минг йиллик фақат ўтмиш билан фахрланишдан кифояланишни талаб этмайди. Буюк ўзгаришлар даври бўлган ҳозирги шароитда демократия, маънавият, баркамол авлод каби юксак умумбашарий қадриятлар таълим тизимида ўзини яққол кўрсата оляптими? Бир томондан олганда, бундай ҳолат, дарҳақиқат, юз бермоқда. Бўлак томондан эса, талаба-ёшларимиздаги маънавий боқимандалик кайфияти сақланиб қолаётганлигини ҳам эсдан чиқармаслик лозим.

Бошқача айтганда, ўзгараётган дунёда ёшлар фақат истеъмолчи бўлиб қолмасликлари лозим. Президентнинг бу борадаги қатъий фикри шундан иборатки, "Чинакам инсоний фазилатларга эга бўлган ёки эга бўлишга интилган одам демократия неъматларининг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячисига айланади".

Маълумки, яратувчилик ижодий фаоллик туфайли содир бўлади. Ўз навбатида ижодий фаоллик бўлиши учун унга зарур шарт-шароит яратилиши лозим. Таъкидлаш лозимки, бундай имкониятлар бизда яратилган.

**Биринчидан,** ижодий фаолият билан шуғулланиш, маданият сарчашмаларидан баҳра олиш учун давлатнинг расмий сиёсати барча шароитларни ҳисобга олган.

**Иккинчидан,** фуқаролар, айниқса, ёшларда ўз маънавий дунёқарашида ислоҳ этиш учун англанган эҳтиёжнинг мавжудлиги.

**Учинчидан,** ижодкорда эркин фаолият кўрсатиш учун ижтимоий зарурий кайфиятнинг мавжудлиги.

Хўш, ушбу фикр-мулоҳазаларни баён этишдан кўзланган муддао нимада? Гап шундаки, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар, айниқса, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бажарилиши фақат ва фақатгина таълим жараёнига маънавий омилларни жорий этиш туфайлигина юз бериши мумкин. Умуман, таълим тизимида маънавий омилларга устувор аҳамият берилиши ижтимоий ҳаётда бу ҳолатга олиб келади. Элитар ҳолат аслида маънавий муҳит мавжуд жойдагина юзага келади. Таълим-тарбия тизимида элитар ҳолат иқтидорларнинг юзага келишига олиб келади. Шунинг учун ҳам кўпинча ижтимоийлик индивидуалликни йўққа чиқаради, дейилади.

Қизиқ бир ҳолат: таълим соҳасида аввал-бошидан қўйилган хато йўл жуда ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Масалан, ўртача, одатий ўйлайдиган талаба-ўқувчига одатдаги, анъанавий муносабат билдириладиган бўлса, бу нарса ўртача мутахассиснинг шаклланишига олиб келади. Аммо, иқтидорли талаба-ўқувчига қилинган шундай муносабат эса унинг кўпчилик ичида "йўқолиб" кетиши ва "ўчиши"га олиб келади. Бундай иқтидорлар жуда кўп. Лекин, уларга нисбатан муносабатларимиздаги "одатийлик" уларнинг "йўқолиб" боришига, жамиятнинг эса қанчадан-қанча "гений"лардан жудо бўлишига олиб келади.

Таълимда маънавий омилларга эътиборнинг кучайтирилиши эса ана шундай ачинарли ҳолнинг олдини олиши мумкин. Зеро, маънавият талаба-ўқувчини уйғотади, уни бошқача фикрлашга ундайди, унинг қобилиятларини кўрсатади.

**Абдуҳалил МАВРУЛОВ,**
**тарих фанлари доктори, профессор**

# O'qituvchilarning an'anaviy

# ИНФОРМАТИКА ВА ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ АСОСЛАРИ:

## таълим мазмуни қандай бўлиши керак?

Мамлакат эртаси дунёқараши ўзгарган мактаб ўқувчилари ва ўқитувчиларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Янгича фикрлайдиган, бозор шароитларида муваффақиятли хўжалик юритадиган, юксак малакали, чуқур билимли мутахассисларни тайёрлашни эса давр талаб қилмоқда.

Айни пайтда мактабларни компьютерлаштириш, янги замонавий дарслик ва қўлланмалар яратиш, нисбатан ёш “Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари” фанини умумий ўрта таълим муассасаларига жорий этиш ва бу фанга ўқувчиларни қизиқтириш ўз самарасини бера бошлаяпти, десак, янглишмаган бўламиз. Бугунги кунда республикамиз мактабларининг 14 фоизи энг замонавий компьютерлар билан таъминланган бўлса, тан олиш керак 42 фоиз мактабларда ҳали ҳам маънавий эскирган компьютерлар мавжуд. 44 фоиз мактабларда компьютерлар йўқ. Мактабларни замонавий ўқув ва ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан жиҳозлаш эса бугунги куннинг энг долзарб вазифаси саналади.

Республика таълим марказининг Математика, информатика ва технология бўлими айни пайтда ўз атрофига “Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари” фанининг ўқитилиши бўйича тажрибали мутахассис ва амалиётчи ўқитувчиларни жалб қилиб, компьютер техникасини ўқув жараёнига татбиқ этиш ва мактабларни ўқув-услубий материаллар билан таъминлашга оид ҳукумат талабларини чуқур ўрганган ҳолда ўз ишини бутунлай қайта кўриб чиқмоқда. Хусусан, 1999 йилда Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва таълим муассасаларида тажриба-синовдан ўтган умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари бугунги замон руҳига мос қилиб, қайта кўриб чиқилди. Барча “Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари” фан ўқитувчилари ва услубиёт мутахассислари ҳамда таълим маркази ходимлари бу борада якдил уч тамойилни асос қилиб олиш зарур деб ҳисоблайди: яъни, биринчидан, мактабларда замонавий ахборот технологияларини ривожлантириш, мактаб ва оиладаги мавжуд компьютерларни инобатга олиб, ҳар томонлама мақбул ахборот хизматини йўлга қўйиш. Бунда барча ривожланган мамлакатлар тажрибасини, локал ва глобал тармоқларни ҳисобга олиш, жумладан, интернет имкониятларидан кенг фойдаланиш мумкин. Иккинчидан, мактаб бошқаруви, фанлараро ахборот банки, электрон дарсликлар, кутубхона тизимлари ахборот тизимини шакллантириш ҳам фойдадан холи бўлмайди. Учинчидан, республикамиз мактаб ўқувчиларининг ўзаро ахборот алмашишлари ҳамда уларни фан олимпиадаларига муносиб тайёрлаш.

Бизнингча, ана шу уч тамойилдан келиб чиққан ҳолда қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш мақсадга мувофиқдир: ўқитувчилар онгида ахборотга товар сифатида қарашни таъминловчи ва ушбу аср фақатгина ахборот асри бўлиши ҳақидаги тасаввурни шакллантириш учун мактабни тегишли техника билан таъминлаш ва оилада компьютер техникасини тарғиб этиш; бутун ўрта таълим дастури доирасида умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастурини қайта такомиллаштириш ҳамда дарслик ва қўлланмаларни изчил нашр этиш, бошланғич, таянч, юқори синфлар учун тегишли дарслик ва услубий адабиётларни чоп этиш; мактабдаги фаол информатика ўқитувчилари ва мутахассисларининг мактаб ахборот тизимларига доир энг янги дарс моделларини яратиш соҳасидаги фундаментал ва амалий ишларини рағбатлантириш ҳамда кенг оммалаштириш; компьютер воситаларидан фойдаланувчи ўқитувчиларни қайта ўқитиш, малакасини ошириш, уларга тегишли техник, методик ва амалий ёрдамларни бериш; энг янги информацион технологиялар бўйича фан олимпиадаларини уюштириш, энг сара ўқувчиларни жаҳон олимпиадаларига олиб чиқиш.

Мазкур масалаларни ҳал этишда барча маҳаллий ички имкониятлардан самарали фойдаланиш керак. Бу масалалар, ўз навбатида информатика фанига оид ўқув-услубий адабиёт, дарсликлар ҳамда электрон версияларни яратишни тақозо этади. Гарчанд компьютерларга оид билим ва кўникмалар бутун дунёда бир хилдай туюлсада, юртимизда информатика ва ҳисоблаш техникасини ўқитиш методикаси шаклланган, десак муболаға бўлмайди. Аслида “Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари” фани чуқур тарихий илдизга эга. Шунинг учун биз ДТСга ҳар тарафлама ўйлаган ҳолда ал-Хоразмий, Форобий, Абу Али ибн Сино, Н.Виннер, Чарлз Беввиж, В.Қобулов, Б.Гейтснинг фанимизга қўшган ҳиссаларини ёритишни лозим топдик.

Маълумки, дарс соати мактабда чекланган бўлиб, ўқувчи фақатгина 8-9- синфда “Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари”дан мажбурий билимларни олади. Аслида, информатикага оид фундаментал билимлар 12-13 ёшдаги ўқувчилар томонидан самарали ўзлаштирилиши тажрибада синалган. Кўп йиллик жараён шуни кўрсатмоқдаки, ўқувчи 8-синфгачаёқ мактабдан ташқарида, уйда ёки ота-онасининг иш жойида компьютер асослари билан юзаки танишиб, унга оид оддий кўникмаларга эга бўлади. Аммо ўқувчининг компьютер тугмасини босиш, ундаги файллар билан ишлай олишининг фақатгина техник характерга эга бўлиб қолиши хавотирлидир. Шу боис дарслик ва қўлланмалар ёзадиган муаллифларга йўриқнома тарзидаги мавзуларни иложи борича ёритмасликни тавсия қилган бўлардик. Чунки ўқувчи бу тушунчаларни амалиётда дарсликсиз ҳам ўзлаштира олади. Хўш, унда дарсликларда қандай тушунчалар берилиши мақсадга мувофиқ? Албатта, умумий мақсаддан келиб чиқиб, информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари дарслигида давлат стандартлари талабига мос фундаментал тушунчаларни ўзига жо этган мавзулар берилиши маъқул. Назаримизда айрим муаллифларни кўр-кўрона чет элдан келадиган дарсликлардан тўғридан-тўғри фойдаланиш чалғитаяпти. Афтидан компьютер техникаси фақатгина амалиёт учунгина бўлиб қолмоқда. Шу тариқа ДТСда кўрсатилган ва ўқитилиши зарур бўлган тушунчалар айрим жойларда ўқитилмай қолаётир. Ваҳоланки, ўқитувчи ДТСнинг барча талабларини бажариши ва уни амалиёт билан боғлаши лозим. Бу ерда гап “Компьютер саводхонлиги” ҳақида эмас, балки “Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари” фанининг давлат тавсия этган дарслигини тайёрлаш ва бунда инсоният цивилизациясининг барча бўғинларидаги информатикага оид тушунчаларни ўзлаштириш устида кетаяпти. Масалан, ўқувчи бевосита маълум компьютер русуми ёки Windows билан қандай ишлашни амалиёт давомида ҳам ўзлаштираверади. Айрим мактабларда янги замонавий компьютерлар келгач, давлат таълим стандартидаги билимлардан четланган ҳолда, дарсликларни бир четга суриб, айни шу компьютернинг қандай ишлатишга оид дарслар ўтилмоқда. Бу эса ўқувчи билимини саёзлаштираяпти. Бу билан дарс назарий ўтилсин, демоқчи эмасмиз. Ўқитувчи Давлат таълим стандарти талабларини ҳам, мактабдаги мавжуд техникада амалий фойдаланиш кўникмаларини ҳам ўргатиши керак. Чунки ана шундай қилинганда қўйилган мақсадга эришиш мумкин.

Хуллас, дарсликнинг электрон версиялари ва тегишли амалий дастурлар мажмуи тайёрланиб, ўқувчиларга етказилса, тўғри бўлар эди. Бир неча йиллик тажрибалардан келиб чиқиб, олимлар, услубиятчилар, мутахассисларнинг фикри, қолаверса, бир неча йиллик иш тажрибаларини инобатга олиб, мактабларда ўқитилаётган информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари мазмунини қуйидаги кетма-кетлик тизимига мужассамлаштирдик: (чизмага қаранг).

Биз таклиф этган бу тизим баҳсталаб бўлиши мумкин. Унинг ҳар бир қисмини шарҳлаб ўтишимиз ҳам ноўриндир, балки. Зеро, мазкур фан мутахассислари ушбу тизимдаги мавзуларни август кенгашларида мунозара қилиб, ўз фикрларини билдиришади, деган умиддамиз. Мазкур схема август кенгашларигача фидойи, ташаббускор соҳа мутахассислари, қолаверса, ота-оналар, муаллифлар томонидан кенг муҳокама этилишини истар эдик.

Таълимдаги барча масала долзарб, лекин ушбу масала, барча ишларимиз негизи, десак бўлади. Шу боис масалани тўғри, одилона ҳал этсак, юртимиз салоҳиятини янада кўтарган, келажак пойдеворини бундан-да юксалтирган бўлар эдик.




**Баҳодир БОЛТАЕВ,**
**РТМ бўлим бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, физика-математика фанлари номзоди,**
**Бахтиёр КАРИМОВ,**
**Чилонзор туманидаги 90-мактаб информатика ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси**

## Avgust kengashlari oldidan

# «Теракчага хат»

Таниқли шоира Зулфия Мўминова болалигини, бошланғич синф ўқувчиси бўлган дамларини эслаб, шундай ёзади: "Бир куни она тили дарсида хат ёзиш машқини ўтдик. Масалан, дўстимга хат, акамга хат, холамга хат. Ҳамма ўзи билганича хат ёза бошлади.

— Муаллим, мен теракчага хат ёзсам майлими? – деб сўрадим.

— Қанақа теракчага? — деди муаллим.

— Оромижон тепадаги ёлғиз теракчага-да.

Муаллим бир оз жилмайиб, "ёза қол" деди.

Ўшанда қиш эди. Мен теракчага шундай хат ёзгандим.

"Салом, теракча. Совқотмаяпсанми? Совқатсанг ҳам чида. Кўкламда сенинг ёнингга сигир боқишга борамиз. Янги йил келса, сен ҳам, мен ҳам бир ёш ўсамиз. Момом доим ёлғиз одам кучли бўлади, ҳеч кимга ияк суямайди, деса сени эслайман. Сен ҳам ёлғизсан, шунинг учун кучли бўл. Хайр".

Эртаси куни муаллимимиз дафтарларни текшириб келди. Менинг хатимни мақтаб, ҳаммага ўқиб берди. Кимлардир менинг устимдан кулди. "Теракча одам эмас, хат ўқий олмайди-ку", деб.

Муаллим эса фақат жилмаярди. — Менинг назаримда сен ё ёзувчи, ё шоир бўласан, — деди менга.

Ҳамма менга ҳавас билан қаради. — Мен сенинг бу хатингни асраб қўяман, бу сенинг илк ижодинг, — деди муаллим.

Ўҳў, ўша кунги севинчим. Мактабдан қайтиб, сонсиз хат ёздим. Тутзорга, толзорга, қирга, жарга, ўрга ва ҳоказо.

Баъзан ўйлаб кетаман ва агар ўшанда муаллим менга — бу қандай гап, теракчага хат ёзма, деганда ёки устимдан кулганида ҳолим не кечарди, дейман ўзимга ўзим..."

Ҳақиқатан ҳам ўқитувчининг озгина эътибори натижасида бўлажак шоиранинг кўнглида адабиётга, шеъриятга ҳавас уйғонган.

Мен шоира хотираларидан парчани бежиз келтирмадим. Бошланғич синф ўқувчилари мактабга биринчи қадам қўйган ўқувчиларга ўқиш, ёзиш, ҳисоблашни ўргатиш билан бирга уларнинг кўнглида ижодкорлик туйғусини шакллантира олишлари ҳам керак. Ҳар бир ўқиш, она тили дарсларининг 5-10 дақиқасини болаларни мустақил, эркин фикрлашга ўргатадиган, ҳар бир воқеаҳодисага ўз фикрларини билдирадиган савол-жавоблар ўтказишга ажратиши лозим.

Бу борада, айниқса Муҳаббат Умарова ва Шарофат Ҳакимова муаллифлигида яратилган 3-синф ўқиш китобида берилган мавзулар диққатга сазовордир. Китобда берилган турли мавзулар, масалан, "Она битта, Ватан ягона" бўлимида берилган "Ватанни суймак", "Ватан мўътабардир", "Она юртинг — олтин бешигинг", "Ватан ҳақида шеър" каби мавзулар орқали ўқувчилар онгига ватанпарварлик туйғуларини сингдириш билан бирга Ватан ҳақидаги илк ижодлари — шеърлари, кичик ҳикоячалари орқали ўз муҳаббатларини изҳор қилишни ўргатса бўлади. Ушбу мавзуларни ўқитувчи маҳорат билан шундай тушунтирсинки, ўқувчилар ўзўзидан Ватан ҳақида нимадир дегиси, нимадир ёзгиси келиб қолсин.

Шунингдек, китобнинг ҳар бир бўлимидаги мавзулар орқали ўқувчилар ижодкорлигини оширса бўлади. Бошланғич синф ўқувчиларининг илк ижодларини ўқитувчи фақат рағбатлантириб туриши керак. Чунки болалар мақтовни яхши кўришади ва ширин сўз уларни янада рағбатлантиради. Шу билан бирга ҳар бир ўтилган мавзуга тааллуқли бўлган халқ оғзаки ижоди жанрлари — мақол, ҳикматли сўз, ҳикоят, ривоят, ибратли масалалардан фойдаланиш ҳам яхши натижа беради. Ҳаммамизга яхши маълумки, мақоллар ўқувчининг сўз бойлигини оширса, эртак, ривоят ва ҳикоятлар яхшилик, эзгуликнинг ҳамиша ғолиб эканлигини уқтиради ҳамда бевосита ўқувчи кўнглида ижодкорлик туйғуларини уйғотади.

Ўқувчиларга тез-тез турли мавзуларда ижодий ишлар ёзиб келишни вазифа қилиб бериш, ёзганларини баҳолаш, рағбатлантириб туриш ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Мен бутун синфдаги 25-30 нафар ўқувчининг ҳаммаси шоир ёки ёзувчи бўлиб етишиши шарт, демоқчи эмасман. Бир ўқувчи математикага қобилиятли бўлади, бирови расмни яхши чизади, бошқаси қўшиқни яхши куйлайди. Демоқчи бўлганим шуки, қайсидир ўқувчида ижодкорликка ҳавас бўлса, эътиборсизлик натижасида сўниб қолмасин, кўнглида ўзига ишонч пайдо бўлсин.

Ўқитувчиларнинг август кенгашларида бу сингари йўналишлар тўғрисида ҳам давра суҳбат шаклида мулоқотлар уюштирилса, нур устига нур бўлур эди.

**Асолат АҲМАТҚУЛ қизи,**
**РТМ бошланғич таълим методисти**

# Ёш ўқитувчи

## у мактабга қандай мослашади?

Ёшларга юксак ахлоқий сифатларни тарбиялаш, энг аввало, ўзимизда бу сифатларни мужассамлаштиришни талаб этади. Шу билан бирга, таълим-тарбияга янгича ёндашиш, янгича услуб ва мазмун, шакл воситаларидан фойдаланишни ҳам тақозо қилади. Эски услуб билан янги вазифаларни амалга ошириб бўлмайди. Бу масалани янги педагогик технология асосида амалга ошириш мумкин. Бунинг учун эса ўқитувчи ижтимоий ҳаётимизда фаол иштирок этувчи касб соҳиби сифатида бошқа мутахассислардан ажралиб туриши лозим.

Бугун умумий ўрта таълим мактабларида касбий маҳоратга эга, ўзида ўқитувчи шахсини шакллантира олган устозмуаллимлар қаторида ёш ўқитувчилар ҳам ёнма-ён меҳнат қилмоқдалар. Ёш ўқитувчиларда касбий лаёқат ва маҳоратни ошириш учун эса уларни муҳитга мослаштириш, муаммосини ҳал қилиш, таълим жараёнида ўқитувчининг ўрни ва вазифаларини аниқлаш долзарб ташкилий масаладир. Касбий тайёргарликни ўтаб, ўзининг назарий билим ва кўникмаларини амалиётга татбиқ этаётган ёш ўқитувчи, аввало, мактаб педагогик жамоасига, сўнгра ўқувчиларга юзма-юз келади. Фақат касбий тайёргарлик билан жамоа ичига садаф бағридаги дур каби сингиб кетиш ёхуд ўқувчиларнинг муҳаббатига, ҳурматига сазовор бўлиш қийин. Ёш ўқитувчиларнинг педагогик жамоага кириш кетишлари, шу денгизнинг бир қатрасига айланишлари, аввало, ўзларидаги касбга бўлган муҳаббатларидан бўлса, сўнгра уларнинг педагогик жамоа томонидан муносиб кутиб олиниб, сафларига қўшишларида ҳамдир. "Устоз-шогирд" анъаналари давом эттирилаётган мактабларда ёш ўқитувчиларнинг педагогик муҳитга мослашишлари осон кечади.

Аждодларимиздан устоз бўлиш масъулияти, шогирдлик бурчи ва вазифалари бизгача мерос бўлиб қолган. Не-не улуғ зотлар ўз мол-мулкларини жигарғўша фарзандларига тортиқ этиб, шогирдларига ундан-да қимматлироқ, бебаҳо касбий маҳорат сирларини туҳфа қилганлар. Ибн Сино, Амир Темур, Улуғбек Кўрагоний, Алишер Навоий, Мирзо Бобурлар устоз бўлганларидан фахрифтихор туйғусини туйганлар. Зеро, ҳаёт давомийликдан иборат. Устозларсиз бу дунё зим-зиё қоронғулик деб таърифланса, шогирдларсиз бу оламнинг файзу таровати бўлмайди. "Икки ёрти — бир бутун" ёхуд "Устоз кўрмаган шогирд ҳар йўсинда йўрғалар" деганларидек педагогик фаолиятда ҳам устоз-шогирдликсиз ёш авлод таълимтарбиясини тўғри йўлга қўйиб бўлмайди.

Ёш ўқитувчиларни умумий ўрта таълим мактаблари педагогик муҳитига мослаштириш муаммолари қуйидаги вазифаларни бажарганда ўз ечимини топади, деб ўйлаймиз: янги педагогик технологиянинг босқичма-босқич қўлга киритиш; ўқитувчи шахсини шаклантириш.

Янги педагогик технологиянинг ўзи нима, унга қандай эришиб бўлади?

Бу мураккаб, узоқ давом этадиган жараён бўлиб, у ўқитувчининг босқичмабосқич педагогик маҳорат пиллапояларини эгаллаб, унинг юксак педагогик даражасига кўтарилиш каби ниҳоятда қийин, машаққатли меҳнатининг самарасидир.

Бунда ўқитувчи уч босқичга таянади, яъни, аввало, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш. Бу ўқитувчилар учун ўз касб маҳоратларини такомиллаштиришнинг энг қулай шаклидир. Илғор педагогик тажриба ўқитувчининг ўз педагогик фаолиятига ижодкорлик ва новаторларча ёндашиб, ўқувчиларга таълим-тарбия беришнинг янги йўлларини излаб топишидир.

Иккинчиси — педагогик техникани эгаллаш.

Педагогик техника — педагогик малакалар мазмунини ўз ичига олади. Педагогнинг мимик, пантомимик ҳаракатлари педагогик техниканинг муҳим таркибий қисмидир. Аниқ имо-ишора, юзкўз, гавда ҳаракати, маъноли қараш, рағбатлантирувчи ёки истеҳзоли табассум педагогик таъсир кўрсатишда самарали муомала воситаси бўла олади. Педагогик маҳорат педагогик техниканинг энг муҳим, нозик қисми ҳисобланган сўз билан таъсир кўрсата олишни тақозо этади.

Учинчиси — педагогик ижод.

Педагогик технологияни ўзлаштириш пиллапоялари сари интилаётган ёш ўқитувчи педагогик ижод қилишни билиши керак. Педагогик ижод фаолият сифатида янгилик яратиш бўлиб, ўзининг такрорланмас ижтимоий моҳияти билан ажралиб туради. Педагогик ижоднинг энг муҳим шарти, шу соҳани билиш, тушуниш, уни севиш, унга жонкуярлик, ташаббус, шунингдек, ўқитувчининг юксак умумий маданиятидир.

Таълим-тарбиянинг илмий асосланган технологияси — бу педагогик маҳоратдир. "Таълим тўғрисида"ги қонунда, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида педагогик кадрларда шахсиятга йўналганликни таркиб топтириш мутлақо зарурий шарт эканлиги таъкидланади. Шу маънода ёш ўқитувчиларнинг шахсиятини камол топтириш замон талаби бўлиб, ўқитувчи қуйидаги талабларни бажарганда педагогик муҳитга мослашади:

— юксак маънавият, барқарор эътиқод, миллий истиқлол ғояси ва мафкурасига содиқлик, ватанпарварлик, фидойилик, жамоавийлик ҳисси, мукаммал акс этувчи фаол шахс экани;

— ўқувчиларга меҳр-муҳаббат, уларнинг эҳтиёж, қизиқишлари, хулқ-атворларини тушуниш кўникмаси ва малакасининг мавжудлиги;

— фавқулодда вазиятларда, ўзгарувчан шарт-шароитларда омилкорлик, мақсад қўйиш, режа тузиш, бевосита назорат қилиш;

— педагогик фаолиятда ташкилотчилик, бошқарувчилик қобилиятини эгаллаганлиги;

— умумий қизиқиш кўламининг кенглиги, илмий изланишларга лаёқатлилиги, муайян салоҳият, маҳорат, талант даражаларига эришганлиги;

— муомала мароми, нутқ маданияти, мантиқли, ихчам, маъноси кучли, таъсирчан фикр узата билиш;

— мақсадга эришиш йўлида собитқадамлик, ғояни ҳаётга татбиқ эта билиши;

ҳозирги замон ўқитувчиси суҳбатдошига тўғри омилкор ахборот узатиши, унга ишонтира билиши;

— табиий ўзига хослик, муаммо ечимидаги вазиятга қараб ўзгарувчанлик, педагогик касбни танлашдаги эркинлик нафақат ўқитувчига, балки ўқувчиларга ҳам ўзини-ўзи намойиш қилиш, мустақил фикрлаш ва изланиш учун муҳим шарт-шароит яратади.

Ёш ўқитувчиларни педагогик фаолиятга самарали ва сифатли йўналтириш учун қуйидаги психологик кўрсатмаларга асосланиш мақсадга мувофиқдир: ўзига-ўзи кўрсатма ва буйруқ бериш, унинг самарадорлигини олдиндан пайқай олиш; ўқитувчининг, ўқувчининг, ота-оналарнинг ижтимоий психологик ролига кириш; муомалавий кўникмаларни такомиллаштириш, хусусан, "кўзгуга қараб ўзини машқлантириш", "ўзгаларни фаол тинглашга ўргатиш"; муомала жараёнида ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ишончини қозониш, ишончга садоқатлиликни сақлаш, сирни авайлаш, ошкор қилмаслик.

Ўқитувчининг касбий шаклланиш, ривожланиши шахсиятга йўналганликдан ажралган ҳолда ҳукм суриши мумкин эмас.

Шундай қилиб, ёш ўқитувчи ўз ҳаёт йўлини педагогикага бағишлайман деса, мактабни, ўқитувчиларни жон дилдан севиши, мактаб жамоасининг бир бўлагига айланиши зарур. Ёш педагог ўз эътиқодига садоқати, билими, бой маънавияти билан мактаб муҳитини ташкил этувчи — педагогик жамоа ва ўқувчиталабалар, ота-оналар қалбига йўл топсагина, уларнинг ҳурмати ва муҳаббатига сазовор бўлади.

Янги педагогик технология таълимтарбия жараёнини мазмунли амалга ошириш техникаси экан, ундан самарали фойдаланиб, педагогик тизимнинг мақсад ва вазифаларини оғишмай бажаркан, муаллим юртнинг, жамиятнинг ишонган, маҳоратли педагогига айланишига ҳеч шубҳа йўқ!

**Хурсанд ЭШНАЗАРОВА,**
**Узун туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактаби она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси**

— *Hozirda uslubiy birlashmaga rahbar bo‘lish ham, unda ishlash ham qiziqarli. Chunki, hamma birdek ishlagandan keyin turli g‘oyalar yuzaga chiqadi. Ularni amaliyotga tatbiq qilish ham oson kechadi.*



# БОҒЧА УСЛУБИЙ БИРЛАШМАСИ

## уларда якуний йиғилишлар қандай ўтказилади?

Биламизки, мактабгача таълим муассасалари педагог ходимлари ёш гуруҳлари бўйича услубий бирлашмаларга тақсимланган ҳолда иш кўради. Қайси йўналиш бўйича услубий бирлашма бўлишидан қатъи назар, улар доимий равишда туман миқёсида йиғилиб, қилинган ва қилинадиган ишлар бўйича музокарага киришади. Сир эмас, авваллари услубий бирлашманинг якуний йиғилишлари бир-икки кўзга кўринган тарбиячининг маърузаси ва ҳамманинг оддий ҳисобот беришидангина иборат бўлар эди. Бунда ҳаракатчан тарбиячилар масъулиятни ҳис этар, қолганлар эса фақатгина услубий бирлашма вакили сифатида индамай келиб, индамай кетарди. Эндиликда эса вазият ўзгарди. Секин-аста боғчаларда услубий бирлашма йиғилишлари ҳам интерфаол усулларда ўтказилишининг афзаллиги эътироф этилаяпти. Чунки, бу жараёнда барча бирдек иштирок этади, жон куйдиради ва ўз гуруҳига албатта қандайдир янгилик олиб кетади. Буни қатор МТМларда ўтказилган шундай анжуман(уларни анжуман деса арзийди)ларда иштирок этиб чиқарган хулосаларимга таяниб айтдим. Хусусан, Юнусободдаги 477-“Ширинтой” МТМда туман мактабгача таълим муассасалари илк ёш гуруҳ тарбиячилари услубий бирлашмасининг якуний йиғилиши қатнашчилар томонидан тайёрланган тарқатма материаллар, услубий адабиётлар кўргазмасини намойиш қилишдан бошланди. Йиғилишнинг амалий қисмида эса тарбиячиларнинг “Касбим-фахрим” танлови бўлди. Унда 14 нафар яқин МТМларнинг илк ёш гуруҳи тарбиячилари бор маҳоратларини ишга солди. Олайлик, “Танишув” шартида ҳар бир тарбиячи ўз касби, унда эришган ютуқлари ва режалари ҳақида маълумот берди. “Маҳорат синови” шартида эса иштирокчилар ўзлари тайёрлаган кўргазмали қуроллардан самарали фойдаланиш ҳамда ноанъанавий машғулотлар ўтиш маҳоратини кўрсатдилар. Сўнгра қатнашчилар “Бизнинг муаммо” мавзусида саҳна кўриниши ва “Эшитмадим деманглар” сарлавҳасида деворий газета тайёрлашди. Зинамазина тарзида тарбиячилар услубий ва касбий савол-жавоб ўтказганида ҳам иштирокчилар савияси синалди. Албатта фаол иштирокчилар баҳоларини олишди. Яъни 366-МТМ тарбиячиси И.Йўлдошева ва 499-МТМ тарбиячиси Н.Қодирова биринчи, 532-МТМ вакиласи С.Зайнутдинова иккинчи, 133-МТМ мутахассиси Д.Шарипова учинчи ўрин билан тақдирланди. Мезбон боғча мудираси Ф.Дадахонова «бу танлов шунчаки танлов эмас, балки тарбиячилар салоҳиятининг қай даражада эканлигини аниқлаш эди. Мақсадга эришдик. Энди кузатилган камчиликларни тўлдириш ҳаракатига тушамиз», деди. Шундан сўнг барча иштирокчилар услубий бирлашма иш тажрибасидан келиб чиқиб “Илк ёшдаги болалар гуруҳларида юритиладиган педагогик иш ҳужжатлар ва режалаштириш юзасидан тавсияномалар” ишлаб чиқилди. Унинг моҳияти қай даражада эканлигини ТХТБ услубчиси Ҳ.Ризаева айтиб ўтди ва туман МТМларига фойдаланиш учун тақдим этилди. Умуман бу йиғилишда ҳамма ишлади ва янгиликлар кашф қилинди.



Тумандаги 486-махсус МТМда эса кичик гуруҳ тарбиячиларининг услубий бирлашмаси якуний йиғилиши бошқачароқ кўринишда бўлди. Бунда тарбиячилар ўз маҳоратларини ўтказилган тренингларда намойиш қилишди. Хусусан, тренингда кичик гуруҳ болаларининг диққати тарқоқ бўлади, уларни машғулотларга қандай қилиб қизиқтириш керак деган саволга ҳамма тажрибасидан келиб чиқиб жавоб беришди. Берилган таклифлар йиғиндисидан барча учун фойдали маълумотнома тайёрланди. Муассаса мудираси Т.Каримова бу анжуман жараёни ҳақида шундай деди:

— Аввало, интерфаол тарзда ўтган услубий бирлашманинг якуний йиғилишида муаммолар тилга олинади. Уларни ечиш йўллари излаб топилади. Ютуқлар эса ўз-ўзидан жараёнда ҳар бир тарбиячининг хатти-ҳаракатидан маълум бўлиб қолаверади. Авваллари эса камчиликлар бир четда қолиб “биз мана бундай қилдик” деган зерикарли баландпарвоз гаплар бўларди. Албатта, ҳозирги усулнинг афзаллиги жуда кўп.

Йиғилишда кичик гуруҳ тарбиячиси Т.Содиқова “Ўрмонга саёҳат” ноанъанавий машғулотини намуна тарзида намойиш қилди ва таҳлил қилинди. Ва шундан сўнг кичик гуруҳда машғулот ўтиш технологияси бўйича турли таклифлар ўртага ташланди. Бу тўғрида туман МТМлари кичик гуруҳлари бўйича услубий бирлашма раҳбари Р.Миртолипова шундай деди:

— Ҳозирда услубий бирлашмага раҳбар бўлиш ҳам, унда ишлаш ҳам қизиқарли. Чунки, ҳамма бирдек ишлагандан кейин турли ғоялар юзага чиқади. Уларни амалиётга татбиқ қилиш ҳам осон кечади.

Демак, ушбулардан хулосани шундай ясаш мумкин: услубий бирлашмалар якуний йиғилишини интерфаол усулда ўтказишнинг фойдаси катта.

**Насиба ЭРХОНОВА,**
**“Ma’rifat” мухбири**

**Суратда: услубий бирлашмада амалий фаолият жараёни акс этган.**

# ОРОМГОҲДА АДАБИЙ УЧРАШУВ

“Зангори олов” болалар ёзги оромгоҳи Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманининг Хўжакент қишлоғи биқинидаги баланд тоғлар ёнбағрида жойлашган. Яқинда бу ерда ёш китобхонлар билан адабий кеча ўтказилди.

220 нафар ўғил ва қиз академик Матёқуб Қўшжонов, ёзувчилар Дадахон Нурий, Эркин Маликов, шоир Шукур Қурбон, ношир Назира Жўраевани қувонч билан кутиб олди.

Болалар тилини яхши тушунадиган, улар даврасига кирганда ўзи ҳам бола бўлиб кетадиган ёзувчи-ношир Эркин Маликов даврани бошқарди. У китобсеварларни меҳмонлар билан бирма-бир таништираркан, ижодкорларни “юрувчи китоблар” деб атади. Ёзувчи ва шоирларнинг ҳар бири бир неча китоблар муаллифи эканини, улар билан суҳбатда ўзларини қизиқтирган саволларга бемалол жавоб топишлари мумкинлигини айтиб, йиғилганларни фаолликка ундади.

Академик Матёқуб Қўшжонов иккинчи жаҳон уруши давридаги хотираларидан сўзлаб, тинчлик, мусаффо осмон улуғ неъмат эканини таъкидлади.

Меҳмонларнинг ҳар бирига сўз берар экан, тадбирни бошқараётган Эркин ака болаларбоп саволларни ўртага ташлаб, уларни фаоллаштириб қўярди. Чунончи, топишмоқ айтиб, энг биринчи жавоб топган болага совға улашар, ёд олган шеърини ифодали ўқиган ёки қўшиқ айтиб берган фаолларга китоб ҳадя қиларди. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти томонидан чоп этилган янги китобчалар бир зумда қўлма-қўл бўлиб, даврани айланиб чиқди.

Сўзга чиққан ҳар бир ижодкор фарзандларни китоб ўқишга ундаб, ижодий режалари ҳақида ўртоқлашди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, “Ижод дунёси” нашриёт уйи, “Чўлпон” нашриёти, “Китоб дунёси”, “Тонг юлдузи”, “Класс” газеталари, “Гулхан” журналларининг таҳририятлари номидан оромгоҳ кутубхонасига турли китоблар, газета ва журналларнинг намуналари топширилди.

Болалар ҳам қувончларини яширишмади: рақсга тушиб, машқларни бажаришди, моҳир қўллар тўгарагида ясалган буюмларини совға қилишди.

Оромгоҳ раҳбари Йўлдош Холметов сўзга чиқиб, меҳмонларга миннатдорчилик айтди ва бундай адабий-бадиий учрашувлар кичкинтойлар хотирасида умрбод сақланиши, уларда китоб ўқишга ҳавас ортишига умид билдирди.

Ижодкорлар ёш китобхонлар билан хайрлашаётиб, бундай учрашув анъанага айланажагига, улар ҳузурига тез-тез келиб туришга сўз бердилар.

**Гулчеҳра МУҲАММАДЖОН,**
**“Китоб дунёси” газетаси бош муҳаррири**

*Ta’kid*

# МАКТАБДАГИ ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ

## у ўқувчиларни табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялайди

Ёш авлодга экологик тарбия бериш ўта мураккаб, шу билан бирга узоқ давом этадиган жараёндир. Ўқувчилар табиат ҳақидаги дастлабки тасаввурларни одатда ўз уйларида оладилар ва ёшлари улғайган сари атроф-муҳит ҳақидаги тасаввурлари кенгайиб, табиатга бошқачароқ назар ташлайдилар. Шунинг учун ҳам ота-оналар экологик муаммолар ҳақида оддий тушунчаларга эга бўлишлари ва бола онгида табиатни севиш туйғусини ҳосил қилишлари керак.

Болалар онгида экологик тасаввурларнинг шаклланишида боғчалар ҳам катта роль ўйнайди. Бунинг учун тарбиячилар болаларда табиатни севиш ҳис-туйғуларини вужудга келтириш ва ривожлантиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор беришлари, хусусан, табиатнинг хилма-хиллигини акс эттирувчи ҳар хил плакатларни, ўсимликлар, ҳайвонот олами, уларнинг гўзаллигини ифодаловчи расмларни кўрсатиш ва тушунтиришлари, яқин атрофдаги дам олиш боғларига экскурсиялар ўтказишлари, манзарабоп дарахтлар, гуллар ҳақида болаларга сўзлаб беришлари зарур.

Ана шу вақтда ўқувчилар табиатда бўладиган фаол ўзгаришларни кузатадилар ва бу ўзгаришлар тўғрисида тўла тасаввурга эга бўладилар. Экскурсиялар қуйидаги мавзуларда ташкил қилиниши мумкин: “Табиатда баҳор”, “Бизнинг ўлкамиз”, “Табиатда қиш” ва ҳоказолар. Экскурсия жараёнида ўқувчилар ҳаво ҳароратини ва ёғингарчиликни, ҳайвон ва ўсимликларда содир бўладиган ўзгаришларни кўрадилар, уларни кундалик дафтарларига қайд қилиб борадилар.

Табиатнинг экологик мувозанатига нотўғри муносабатда бўлиш салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ўқувчиларга тушунтириш керак. Бу борада деҳқончилик тизимида сув ресурсларидан нотўғри фойдаланиш Орол муаммосини келтириб чиқарганлигини ўқувчиларга алоҳида тушунтириш лозим.

Бу муаммони ҳал этиш учун сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш ва уларга ҳар хил чиқинди-ахлатларни оқизишни бутунлай тўхтатиш зарур.

Ўқувчиларда экологик тушунчаларни шакллантириш кимё фани ўқитувчиларининг зиммасига ҳам катта масъулият юклайди, чунки улар кимёвий элементларнинг табиатдаги модда айланишидаги ролини ўқувчиларга аниқ тушунтириб беришлари керак. Агар бу элементлар қишлоқ хўжалигида нормадан ортиқ ишлатилса, табиатдаги экокомпонентларга таъсири қандай бўлишини ўқувчилар онгига етказиш керак.

Ўлканинг табиатини ўрганиш вақтида ўлкадаги табиий бойликлардан рационал фойдаланишнинг аҳамияти ниҳоятда катта эканлигига алоҳида эътибор бериш керак. Бу борада ўлка ўсимликлар дунёсининг хилма-хиллигига, уларнинг инсон ҳаётидаги ролига ўқувчилар диққатини жалб қилиш керак. Синф хонасидаги ўсимликлар номи, ўсиш ва ривожланиш шароитлари билан таниша бориб, ўқувчилар уларни ўстириш ва парвариш қилиш усулларини ўрганадилар. Мактаб ер участкасида ишлайдилар ва у ердаги ўсимликлар билан танишадилар. Шунингдек, табиат қучоғига экскурсиялар ташкил қилинади, экскурсия давомида теварак-атрофимизни ўраб турган ўсимликлар табиатнинг асосий хазинаси эканлигини тушунадилар.

Табиатни кузатиб боришни бутун ўқув йили давомида амалга ошириш керак.

Табиатдаги экологик қонуниятларга амал қилиш мактаб ўқувчиларини табиий бойликлардан тўғри фойдаланиш масъулиятини сезишга, бу бойликларни сақлаш ва кўпайтириш руҳида тарбия топишга ундайди. Ҳамма ўқувчи ўзи яшаётган маҳалла, туман, вилоят ўлка экологияси билан танишиб, ўзи яшаб турган минтақанинг экологик вазиятини нормал ҳолда сақлашга ҳаракат қилиши, бошқаларни ҳам ана шу қонуниятларга амал қилишга чорлаши зарур. Бу эса ўқувчиларни табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашга катта ёрдам беради.

**Муҳаббат ЖЎРАЕВА,**
**Қарши педагогика коллежи**
**кимё ва биология фани ўқитувчиси**

# ЯНГИ ИХТИСОСЛАШГАН КЕНГАШ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 мартдаги қарорига асосан, Самарқанд кооператив институти базасида Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ташкил этилди. Эндиликда мазкур институтда иқтисодиёт, маркетинг, менежмент, бизнес, молия, бухгалтерия ҳисоби ва аудит йўналишида, банк иши, туризм менежменти, туризм маркетинги, сервис (турлар бўйича), банк-молия хизмат соҳалари учун ҳам малакали мутахассислар тайёрланади.

Қабул қилинган қарорда институт илмий-педагогик салоҳиятини эътиборга олиб, диссертацияларнинг ҳимояси бўйича ихтисослашган кенгаш очиш кўзда тутилган эди. Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий аттестация комиссияси раёсатининг қарорига асосан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошида диссертациялар ҳимояси бўйича ихтисослашган кенгаш очилди. Кенгаш эндиликда “Микроиқтисодиёт”, “Менежмент” ихтисосликлари бўйича номзодлик диссертацияларининг ҳимоясини ўтказади. Мазкур кенгашнинг очилиши Самарқанд ва унга чегарадош бўлган вилоятлар олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари учун илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни янада яхшилашга олиб келади. Кенгаш таркибига Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, ЎзРФА Самарқанд бўлими, Самарқанд давлат университети, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг тажрибали педагог-олимлари киритилди. Ихтисослашган Кенгашнинг ташкилий йиғилишида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг масъул ходимлари, педагог олимлар, аспирантлар, докторантлар, илмий изланувчилар иштирок этдилар. Йиғилишда илмий даража олишга даъвогарларнинг ишларига қўйиладиган талаблар, диссертацияларнинг сифатини ошириш, ҳимояларини ўтказиш жараёнидаги янгиликлар кўриб чиқилди, илмий тадқиқотларга ақл-заковат, тафаккур билан ёндошиш, мамлакатимиз иқтисодий равнақига муносиб ҳисса қўшиш, диссертацияларнинг ҳимояларини ихтисослашган кенгашларда баҳсли тарзда ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. ОАК ходимлари аспирантлар, илмий изланувчилар ва педагог олимларнинг кўплаб саволларига жавоб бердилар.

**Ҳасан МУСАЕВ,**
**профессор**

*«O'qituvchim — faxrim» tanloviga*

# ТАҲЛИЛ ДАФТАРИДАГИ ШЕЪР

«...салмоғи Қуванинг анорича бор...» Фарзандларини бағрига маҳкам босиб, ҳадҳудудсиз коинот қаърига шўнғиб кетаётган Она заминга, аниқроғи, куррамизнинг шаклу шамойилини англатувчи глобусга қараб туриб айтилган бу мисра севимли шоиримиз Абдулла Ориповга тегишли эканлигини ҳаммамиз биламиз. Жаннатмакон Ўзбекистонимизнинг чиройли ҳуснига хол бўлиб ярашган шаҳарлар — Тошкент, Самарқанд, Бухоро ҳамда қўш номда ишлатилиб, шуҳрат топаётган, узоқ тарих силсилаларидан дарак берувчи, бобомиз Улуғбек шогирдларининг айтишича, илму нужум сирларини ўрганиш учун жуда қулай бўлган жой Шаҳрисабз — шаҳри Кешдир.

Шаҳрисабзни ўз асарларида, шеър ва ғазалларида, илмий мақола ва амалий изланишларида тилга олган шоирлар, олимлар кам бўлган эмас.

Ҳар эрта оппоқ тонг ўз шойи чойшабини шаҳри Кеш устидан йиғиштира бошлаган пайтда Ҳисор тоғи бағридан эркалаб бобо Қуёш мўралайди. Ана шу пайтда булбулларнинг нозли хониши, қўй-қўзиларнинг она бағрини қўмсаб чўзиб маърашлари кишига бошқача ёқимли кайфият бахш этади. Тўйиб-тўйиб нафас оласан, кун бўйи майи гулгун нўш қилган ошиқдек маст бўласан.

Баҳром ўз Гуландонига шундай ёзади:

**Баҳром айтар армим Сизга,**
**Дилбар аро бандим Сизга,**
**Етиб келдим Шаҳрисабзга,**
**Шул аҳду паймона келдим.**

Илоҳо, яхши ниятда келган ошиқлар қўша қарисин. Мен эса: «Темурбекни кўрай десанг, шаҳри Кешга кел! Лолаларни терай десанг, шаҳри Кешга кел!» дегим келаверади.

Гоҳида Ҳисор денгизидан биллур кўзасини зилол сувга тўлдириб олган булутлар, уни шаҳри Кеш елкасидан қуйганда, бу бахмал водий келинчакдай яшнаб кетади. Ровийлар айтишича, бу юртда дунёга келган инсон боласи ўзининг юлдузи билан туғилар экан.

Тошпўлат Раҳимов — физика-математика фанлари ўқитувчиси, 31 йилдирки, Шаҳрисабзнинг гўзал масканларидан бири «Чоршанбе» қўрғонидаги Ойбек номидаги мактабда дарс бериб келмоқда. Ўзи ҳам ўша — 30-умумий ўрта таълим мактабида ўқиган. Устози, Халқ маорифи аълочиси Жалол Расулов Тошпўлатга ўзгача меҳр билан қарарди. Уни уйларига олиб кетар эди. Чунки Жалол Расулов ҳам етим ўсганлиги учун, онадан эрта етим қолган Тошпўлатга устозлик меҳрини бера олди. Отаси Абдуқаюм ака колхоз иши билан эртаю-кеч банд. Бу ёқда тўртта етим бола она меҳрига зор. Шунинг учун ҳам Абдуқаюм ака Тошпўлатнинг Жалол Расуловдек инсон бўлишини орзу қилар эди.

1968 йилда Тошпўлат мактабни аъло баҳолар билан битириб, Самарқанд давлат университетининг физика факультетига ўқишга кирди.

1973 йил ёз кунларидан бири унинг ҳаётидаги энг бахтли сана сифатида ёдда қолди. Физика-математика мутахассислиги дипломини олиб, ўзи ўқиган Ойбек номидаги мактабга ўқитувчи бўлиб ишга келди. Янги ҳаётга ўқитувчи деган шарафли ном билан қадам қўйди. Ўқитувчи бўлмаганда ҳаёт ҳам бу қадар гўзал бўлмасди.

Таниқли адиб Ойбек: Ўқитувчи бўлмаса лирик ҳам, физик ҳам бўлмас эди, деб ёзган экан. Кунларнинг бирида Тошпўлат менга Ойбекнинг шу ҳикматли сўзи шеърга тушадими, деб сўраб қолди. Мен унга баҳарҳол қуйидаги шеърни ёзиб бердим.

**Агар ўқитувчи бўлмаса эди,**
**Бахт-иқбол бу қадар кулмас эди, бил.**
**Агар ўқитувчи бўлмаса эди,**
**«Лирик ҳам, физик ҳам бўлмас эди», бил.**
**Агар ўқитувчи бўлмаса эди,**
**Фазога қадамин қўймасди инсон.**
**Агар ўқитувчи бўлмаса эди,**
**Ёзилмас ризқ тўла катта дастурхон.**

Бу шеър Тошпўлат Раҳимовга жуда ёқди. Мен унга шеърни берар эканман, мустақиллик шарофати туфайли ишлаб ўзни кўрсатадиган вақт келди, бўшашманг, омад сизга ёр бўлсин, дедим.

Камина 1973-79 йиллар Ойбек номидаги мактабда дастлаб ўқув бўлими мудири, кейинроқ директор эдим. Ўша йилларда дарс таҳлили дафтаримда шу тўртликни ёзиб қўйгандим. Чунки унинг тўлиб-тошиб ёниб ўтган дарси менда кучли таассурот қолдирган эди. Мен тил ва адабиёт ўқитувчиси бўлганлигим учун физика дарсини дарсликка қараб таҳлил қилардим. Ўша пайтда ўқитувчи дарсликдаги материални қанчалик ўқувчига етказолди, деган талабни қўяр эдик.

Мен дарс таҳлили дафтаридаги «Ўқитувчининг ютуғи» деган бўлимга:

**Ўсаётир сабр дарахти,**
**Юрагининг қатида меҳр.**
**Нур таратиб яшамоқ аҳди,**
**Юзларидан сочар ёрқин нур.**

**Юксак илм, нурли ҳар дамга,**
**Муносибдир ҳар бир инсонга.**
**Илм дарахти боқий, ҳақ доим,**
**Омад берсин нурли қадамга!**

Тошпўлатнинг иш куни одатдагидек эрта бошланади. У ҳар куни дарс бошланишидан бир соат олдин келади. Синф тозалиги билан танишиб, навбатдаги дарсга тайёргарлик кўради.

Ўқитувчи ҳар бир дарси учун жиддий тайёрланиши, унинг кунлик режасини тузиши, иқтидорлилар билан ишлаши, бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан ишлашни режалаб олиши керак, дейди у. Янги замонавий педагогик технологиялар билан қуролланиб, миллий услубда дарс олиб бориш учун қайта-қайта тайёргарлик кўриши ўқитувчи учун зарурият.

Ҳозирги кун педагогикасининг бош мақсади таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини кундалик назорат қилишдан иборат. Кундалик назоратларни ўқитувчи тўғри ташкил қила олса, синфда илғор, мустақил фикрлай оладиган ўқувчилар сони кўпаяди.

Маълумки, мактабда ўқувчилар билимини назорат қилишнинг бир қатор усулларини илғор педагог олимларимиз назарий усулда ишлаб чиққанлар. Масалан, конспект назорати, тест, оралиқ конкурс, викторина, ижодий ишлар, реферат, мавзуий назорат, чегаравий назорат каби. Т.Раҳимов уларни амалда жорий қилишда, ўз дарсларида қўллашда фидойилик билан ишлайди. Отаси Абдуқаюм ака, онаси Оляхон аялар ўз ўғилларининг мактабдан келмаслигини, ҳатто дам олиш кунлари ҳам Тошпўлатни мактабдан топиш мумкинлигини фахр билан гапирардилар. Ўқитувчи келажак учун энг масъул вазифани адо этади. У инсонни шакллантиради. Ўқитувчи яхши бўлса, яхши шоир, яхши инженер, қолаверса, яхши механизатор, яхши тикувчи, яхши савдо ходими шаклланади. Бошқача айтганда, ўқитувчи замонларни бир-бирига боғловчи ҳалқадир. Яхши ўқитувчи бошқаларни ўқитиш билан бирга доимо ўзи ҳам ўқиб бориши керак. Ҳар бир ёш юракнинг, покиза қалб эртасининг нурли бўлишида муаллимнинг ўз ўрни бор. Ўқитувчи ўқувчилар қалбида одамийлик, саховат, ватанпарварлик хислатларини уйғотувчи ноёб хилқатдир.

Мактабда ўқитувчи бўлиб ишлар экан, Ўзбекистон Республикаси Халқ ўқитувчиси Т.Раҳимовнинг яна бир қирраси очила бошлади. У тез орада шахмат бўйича туман, вилоят мусобақаларида қатнашиб, «Спорт усталигига номзод» даражасини бажарди.

Тошпўлат ҳозир ҳам 30 нафарга яқин ёшларга шахмат сирларини ўргатиб келаётир. У мактабимизда собиқ шахматчи-ўқитувчи Аҳад Рашидов номидаги ёшлар шахмат тўгарагини ташкил этиб, унга I-IV синф ўқувчиларини жалб қилган.

Унинг шахматга қай даражада қизиқишини 1984 йил октябрь ойида Москва шаҳрида А.Карпов ва Г.Каспаров ўртасидаги жаҳон биринчилигини кузатишга борганидан билса бўлади.

Мен ундан ҳаётда армонингиз борми, деганимда ҳеч иккиланмай «албатта, устоз, Шаҳрисабзда биринчи шахмат устаси бўлиш орзуси армон бўлиб қолди, энди шу армонимни рўёбга чиқариш учун умидли ёшлар билан шуғулланиб турибман, зеро, орзуим шу ёшлар орқали ушалишига ишонаман», дейди завқланиб.

Т.Раҳимов 20 йилдирки, Шаҳрисабз туман ХТБ методкабинетининг штатсиз услубчиси, туман физика ўқитувчилари услуб бирлашмасининг раҳбари ҳамдир.

Ҳозирги кунда ҳам ҳаётда ўзидан бир кун бўлса ҳам олдин ўқитувчи бўлганларга ҳурмат билан қарайди. У ўз устозларининг порлаб турган нурли юзларига, юрак гулшанидан гуллар олиб таққиси, ўзининг покиза қалбини устози пойига поёндоз қилгиси келаверади...

**Абдураҳим АБДУСАМАТОВ,**
**Шаҳрисабз туманидаги Ойбек номидаги 30-мактабнинг илмий бўлим мудири, Халқ таълими аълочиси**

# АЛИФБО САБОҚЛАРИ

*8-saboq*

## БОШ ҲАРФ БИЛАН БОШЛАНАДИГАН СЎЗЛАР

Маълумки, сўз ва гапларни ёзишда бош ҳарфлар, шунингдек, кичик ҳарфлардан фойдаланилади. Бундан ташқари, бош ва кичик ҳарфларнинг босма ҳамда ёзма шакллари мавжуд. Босма ҳарфлардан матбуот ва нашриётда кенг фойдаланилади. Ёзма ҳарфлардан хат-савод чиқаришда, мактаб ва бошқа ўқув муассасаларида, қўлёзма асарлари ва илмий кашфиётлар яратишда фойдаланамиз.

Босма ҳарфлар ўзаро бир-бирига туташтирилмайди. Ёзма ҳарфлар эса ўзидан олдинги ва кейинги ҳарфларга туташтириб ёзилади. Бунда қўл ҳаракати деярли узилмайди. Ҳарфлар устки, остки ва ўрта қисмидан туташтирилиши мумкин. Масалан, **v, v, a, d;** Қўл ҳаракатининг узилиши ёзувда қийинчилик туғдиради. Шунинг учун ҳарфларнинг ёзма шакли ўзаро туташтирилади.

Бош ва кичик ҳарфларга келсак, бош ҳарфлар ёзувда ўз ўрни билан ишлатилади, яъни доимо бош ёки кичик ҳарфлар ёзилавермайди. Шундай экан, қачон ва қаерда бош ҳарфлар ёзилишини билишимиз зарур. Қуйида шу ҳақда фикр юритилади:

1. Кишининг исми, ота исми, фамилияси, тахаллуси, рамзий атоқли оти бош ҳарф билан бошланади: **Dilbar O'rinova, Muhabbat Majidovna, Azamat Shuhrat o'g'li, Hamza Hakimzoda, Muhammad-sharif So'fizoda, Mannon Otaboy, Navoiy, Furqat** каби.

2. Жой номлари бош ҳарф билан бошланади: **Andijon, Yangiyo'l (шаҳарлар), Naymancha, Buloqboshi** (қишлоқлар), **Bodomzor, Chig'atoy (маҳаллалар), Zavraq (дара), Yorqoq (яйлов), Qoratog', Pomir (тоғлар), Oqtepa, Uchtepa** (тепалар), **Zarafshon, Sirdaryo (дарёлар), Yoyilma** (канал), **Turkiya, Hindiston** (мамлакатлар) каби. Бундай атоқли от таркибидаги сифатловчи ҳам бош ҳарф билан ёзилади: **Shimoliy Kavkaz, Markaziy Qizilqum** каби.

3. Юлдуз ва сайёралар, бошқа хил осмон жисмларининг атоқли оти бош ҳарф билан бошланади: **Hulkar, Qavs, Mirrix** (юлдуз ва сайёралар номи), «Tinchlik dengizi» (Ойдаги рельеф номи) каби. **Yer, quyosh, oy** турдош отлари сайёра номи бўлиб келгандагина бош ҳарф билан ёзилади: **Yer Quyosh atrofida, Oy Yer atrofida aylanadi**.

4. Маданий-маиший ва савдо корхоналарига, адабиёт ва санъат асарларига, саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларига, шунингдек, транспорт воситалари, спорт иншоотларига қўйилган номлар бош ҳарф билан бошланади: **«Tong»** (меҳмонхона), **«Saodat»** (фирма), **«Navro'z»** (ҳайрия жамғармаси), **«Kamalak»** (матбаа бирлашмаси), **«G'uncha»** (боғча), **«Botanika»** (санаторий), **«Paxtakor»** (стадион), **«Qutlug' qon»** (роман), **«Dilorom»**, (опера), **«Tanovar»** (куй), **«Ozodlik»** (ҳайкал), **«Jasorat»** (ёдгорлик), **«Sino»** (совутгич) каби.

5. Муҳим тарихий сана ва байрамларнинг номлари таркибидаги биринчи сўз бош ҳарф билан бошланади: **Mustaqillik kuni, Xotira kuni, Ramazon hayiti, Navro'z bayrami** каби.

6. Давлатларнинг, давлат олий ташкилотлари ва мансабларининг, халқаро ташкилотларнинг номидаги ҳар бир сўз бош ҳарф билан бошланади: **O'zbekiston Respublikasi, Rossiya Federatsiyasi, Misr Arab Respublikasi Prezidenti, O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Raisi, O'zbekiston Respublikasi Oliy Sudining Raisi, Birlashgan Millatlar Tashkiloti, Jahon Tinchlik Kengashi** каби.

Бошқа таркибли номларда олий мансабни билдирувчи биринчи сўзгина бош ҳарф билан бошланади: **Bosh vazirning o'rinbosari, Mudofaa vaziri, Yozuvchilar uyushmasi, O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasi** каби.

Вазирликлар ва идоралар, корхоналар ва ташкилотлар номи таркибидаги биринчи сўз бош ҳарф билан бошланади: **Sog'liqni saqlash vazirligi, Fan va texnika davlat qo'mitasi, Fanlar akademiyasi, Tilshunoslik instituti** каби.

7. Давлатнинг олий даражали мукофоти номи таркибидаги ҳар бир сўз бош ҳарф билан бошланади: **«O'zbekiston Qahramoni» (унвон), «Oltin Yulduz»** (медаль). Бошқа мукофотлар, фахрий унвонлар, нишонлар номидаги биринчи сўзгина бош ҳарф билан бошланади: **«Sog'lom avlod uchun»** (орден), **«O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan fan arbobi»** (фахрий унвон), **«Matbaa a'lochisi»**(нишон) каби.

8. Гапнинг биринчи сўзи бош ҳарф билан бошланади: **Yer tagidan Muqaddasga bir qarab oldim** (О.Ёқубов).

**Эслатма:**

1) кўчирма гапдан кейин келган муаллиф гапининг биринчи сўзи (агар у атоқли от бўлмаса) кичик ҳарф билан ёзилади: **«Bu men», — qo'rqibgina javob berdi ko'laga...**(О.Ёқубов);

2) хатбошига гапнинг саналувчи қисмлари чиқарилганда бундай қисмлар олдидан чизиқ қўйилади ва улар кичик ҳарф билан ёзилади:

*Ma'muriy huquqbuzarlik tog'risidagi ishni ko'rishga tayyorlash vaqtida tegishli organ (mansabdor shaxs) quyidagi masalalarni:*

*— mazkur ishni ko'rib chiqish uning huquq doirasiga kirish-kirmasligini;*

*— ma'muriy huquqbuzarlik to'g'risidagi protokol va ishga oid boshqa materiallar to'g'ri tuzilgan-tuzilmaganligini... hal qiladi;*

3) гапнинг қисмлари қавсли рақам ёки қавсли ҳарф қўйиб саналса, бундай қисмлар ҳам кичик ҳарф билан ёзилади:

**Hozirgi o'zbek adabiy tilining lug'at boyligi asosan besh manba negizida tarkib topgan: 1) umumturkiy so'zlar, 2) o'zbekcha so'zlar; 3) tojik tilidan kirgan so'zlar, 4) arab tilidan kirgan so'zlar, 5) rus tilidan kirgan so'zlar** ("Ўзбек тили" дарслигидан).

9. Таркибли номларнинг бош ҳарфидан иборат қисқартмалар, атоқли от бўлмаган баъзи бирикмаларнинг қисқартмалари бош ҳарф билан ёзилади: AQSH (Amerika Qo'shma Shtatlari), BMT (Birlashgan Millatlar Tashkiloti), AES (atom elektr stansiyasi) каби. Қисқартма таркибида бўғинга тенг қисм бўлса, унинг биринчи ҳарфигина бош ҳарф билан ёзилади: ToshDTU (Toshkent davlat texnika universiteti) каби.

**Баҳодир СУЮНОВ,**
**Тошкент давлат юридик институти катта ўқитувчиси**

Orol inqirozigacha bu yerning maydoni 50 ming gektar bo'lgan, ba'zi olimlarning fikricha, qachonlardir bu ko'l 90 ming gektargacha hududni egallagan ekan.

Ma'rifat

# ХОВОС ТАРИХИДАН БИР ШИНГИЛ



Қадимий она Ўзбекистонимизда бирор-бир маскан йўқ-ки, у кўҳна тарих ришталарига вобаста бўлмаган бўлса. Унда ҳар куни тарихнинг кўҳна бир саҳифаси кашф этилади. Вамбери таъбири билан айтганда: «ернинг олий нуқтаси» бу жаннатмонанд, қадимий ва сеҳрли диёр Ўзбекистонимизда ҳар бир шаҳар, қишлоқ ва овул бир неча минг йиллик тарихдан, ўтмишдан дарак бергай. Ҳеч кимга сир эмаски, шўро салтанати даврида Ўзбекистон тарихи, хусусан Сирдарё (Мирзачўл) ўтмиши сохталаштирилди. Мустабид тузум мафкурачилари Сирдарёнинг тарихини атайлаб «пролетариат доҳийсига» боғлаб қўйишди. Ваҳоланки тарихимизнинг теран томирлари минг йиллар қаърига бориб тақалади. Буни тарихчиларнинг кўҳна битикларидан ҳам қийналмай ўқиб олиш мумкин.

Маҳамадсиддиқ ҳожи Содиқов Сирдарё вилояти Ховос тумани Карвонсарой-1 маҳалласида истиқомат қилиб келаётган табиатан тиниб-тинчимас, фидойи, заҳматкаш инсонлардан биридир. М.Содиқов узоқ йиллардан бери Ховос қишлоғининг тарихини ўрганиб келмоқда.

«Ховос, тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, қадимда Суғд билан Шошни, Фарғона билан Самарқандни боғлаб турган қўналға бўлган», дейди суҳбатдошимиз М.Содиқов.

— Ховос қишлоғи яқинидаги баланд тепалик қарийб 2700 йиллик тарихга эга. 2003 йил октябр ойида Самарқанд шаҳридаги археология институтига бордим. У ерда тарих фанлари номзоди Алексей Грицина билан учрашиб, қазиш ишлари хусусида маслаҳатлаш-



дим ва уларни Ховосга таклиф қилдим, — дея сўзлайди М.Содиқов. Экспедиция 10 кун мобайнида қазиш ишларини олиб борди ва бу ердан хом ва пишган ғиштлар, турли тақинчоқлар, идиш-товоқлар топилди. Пахса девор қолдиқларини кўрган олим уни юнон девори деб атади.

«Ховос» сўзининг келиб чиқиши ҳақида эса, қуйидаги ривоят юради.

Подшоннинг ғоят соҳибжамол, гўзалликда тенги йўқ Ҳавасхон деган қизи бўлган. У тузалмас касалликка йўлиққанида даволатиш учун Чин мамлакатига олиб боришибди. У ердаги табиблар даволай олмагач, қайтишда бир қишлоқ яқинида дам олишибди. Ўша жойда Ҳавасхон ўзини жуда яхши ҳис қилибди. Бундан хабар топган подшо уни ўз юртига олиб келмасликни ва қизи Ҳавасхон номига қалъа қурдиришни буюрибди. «Ховос» сўзининг маъноси соҳибжамол Ҳавасхоннинг номи билан боғлиқ экан.

Биз ҳожи ота билан бўлган суҳбатимизда Ховос тарихи тўғрисида турли хил қимматли маълумотлар олдик. Ховос қалъасига шу кунгача уч маротаба экспедиция уюштирилган, навбатдаги тўртинчи экспедиция ҳам кутилаётган экан.

М.Содиқов шу билан биргаликда Ховос қалъаси тарихи музейини очиш ниятида эканлигини таъкидлаб ўтди.

**Дилором ФАЙЗИЕВА,**
**Акбар ИСОҚОВ**



# САЁҲАТ ТАФАККУРНИ БОЙИТАДИ

Саёҳатнинг гаштли жиҳатлари кўп. Айниқса, ўқувчи-болалар сайр-саёҳатларга чиқса, улар олган таассуротлар бир умрлик ҳамроҳ бўлади. Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Республика Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази мамлакатимиздаги ўқувчи-ёшларга худди шундай таассурот бахш этиб, олаётган билим, кўникма ва малакаларини оширишга, Ватан туйғуси ҳамда миллий истиқлол ғояларини чуқур сингдиришга ҳаракат қилади.

Президентимизнинг «2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонини бажариш, ўқувчиларнинг ўлкамизни ҳар томонлама ўрганишларини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳри, вилоятлараро, маҳаллий миқёсдаги йўналишларда экскурсия-саёҳатлар ўтказилмоқда. Марказнинг экскурсия бўлими томонидан ҳар бир фасл хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, жами 27 та йўналиш бўйича сайёҳлик дастурлари ишлаб чиқилган. Ўқувчиларнинг олаётган билимларини амалиёт билан мустаҳкамлаш борасида Маданият ишлари, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Фанлар академиясига қарашли жами 51 та нуфузли музейлар билан ўзаро ҳамкорлик шартномалари тузилган.

Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда фаолият кўрсатаётган жами 51 та Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар марказларининг саъй-ҳаракатлари натижасида ҳар йили ўртача 25000 ўқувчи пойтахт — Тошкент шаҳри, 75000 ўқувчи вилоятларнинг марказларига, 150000дан зиёд ўқувчи-ёшлар вилоят ичидаги маҳаллий йўналишлар бўйлаб диққатга сазовор масканларга, музейларга саёҳатлар уюштиришади. Ўқувчи-ёшлар дунё тамаддунининг энг нодир ва кўҳна шаҳарлари ҳисобланмиш — Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Урганч, Шаҳрисабз, Термиздаги обидалар, буюк алломалар, уламоларнинг ҳаёти ва фаолияти, мустақиллик йилларида барпо этилаётган иншоотларимиз билан танишар эканлар, юртимиз тарихи ва маънавий бойликлари нақадар улуғ, бетакрор эканлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилишмоқда. Сайр-саёҳатларни уюштириш, ўтказиш бобида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар марказлари томонидан изчил, ташаббускорона ишлар амалга оширилмоқда, экскурсия бўлимлари ходимлари бошчилигида қадимий ва навқирон шаҳарларимиз бўйлаб кўп кунлик саёҳатлар ўтказилмоқда. Айни дамларда ўқувчиларнинг ёзги таътил кунлари. Вақтни мазмунли ҳамда мароқли ўтказиш мақсадида РЁСЎМ тасаррufидаги Бўстонлиқ тумани ҳудудида жойлашган «Ёш ўлкашунос» тоғ-сайёҳлик қўнимгоҳида ҳам ўқувчи-ёшларга кўнгилли хизмат кўрсатиш ташкил этилган. Экскурсия бўлими етакчилигида 220 нафар мактаб ўқувчилари тоғ-сайёҳлик базасида мириқиб дам олишди. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун ташкил этилган ёзги оромгоҳда тажрибали экскурсовод-инструктор Ж.Бердиев раҳбарлигидаги «Ёш сайёҳлар» тўгарагида ҳар мавсумда 30 нафардан ўқувчи-ёшлар тоғ сайёҳлиги ҳақида билим олиш билан биргаликда Ватанимизнинг мафтункор табиати, иқлими, флора ва фаунаси ҳақида қизиқарли маълумотларга эга бўлишмоқда.

Бухоро вилояти Пешку туманидан 45 нафар ўқувчи-ёшлар пойтахт Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларини томоша қилиш мақсадида ташриф буюришди. «Вилоятларда яшовчи ўқувчи-ёшлар Тошкент шаҳрини кўришни, янги қурилаётган замонавий иншоотлар билан яқиндан танишишни орзиқиб кутишади. Мана бугун уларнинг орзуси ушалиб, пойтахтимизнинг энг гўзал гўшалари бўйлаб саёҳат қилишмоқда. Юртимизда тинчлик, халқимизда омонлик, ризқ-рўзимизда фаровонлик бўлиб, ёшларимиз тез-тез, мана шундай саёҳатларга чиқишларини хоҳлаймиз», дейди гуруҳ раҳбари Ўлмас Аҳмедов.

Ўқувчилар ўртасида сайёҳлик юришлари ривожланса, бу баркамол авлоднинг тарбиясига ҳар томонлама ижобий таъсир кўрсатади.

**Алишер НАЗАРОВ,**
**РЁСЎМ экскурсия бўлими бошлиғи**

## Orolbo'yiga safar

***Газетамизнинг ўтган сонларида журналистларнинг Оролбўйига сафари тўғрисида хабар берган эдик. Сафар таассуротлари баён қилинган навбатдаги мақола билан қуйида танишасиз.***

*Орол денгизига етиб бориш жуда қийин экан. Сафаримизнинг биринчи куни УАЗ машиналарида Устюрт платоси сари йўл олдик. Нега Устюртга? Чунки ана ўша платога ёндош ҳудудда Судочье кўли жойлашган. Бу кўл тарихи ҳам Орол денгизи билан боғлиқ. Айтишларича, бундан миллион йиллар аввал, яъни заминнинг деярли ҳамма қисми сув билан қопланган замонларда Каспий, Қора денгиз ҳамда Орол денгизи билан бирга бутун бир сувлик бўлган. Кейинчалик улар бир-биридан ажралиб, алоҳида-алоҳида денгиз ҳолига келган. Биз бу ҳақда кўп гапирмаймиз. Судочье кўли ана ўша бўлинишлардан пайдо бўлган кўлларнинг бири. Оролбўйида мана шундай табиий йўллар билан пайдо бўлган кўлларнинг 11 таси мавжуд.*

*Албатта, уларнинг тақдири ҳам Орол тақдири каби аянчли кечаётган эди. Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ҳамда GEF агентлиги олиб бораётган лойиҳалардан бири ҳам Орол атрофидаги кўлларни сақлаб қолиш, ана ўша кўлларда флора ва фаунани қайта тик-*

# СУДОЧЬЕ КЎЛИ — ҚУШЛАР ҚЎНАЛҒАСИ

*лаш, балиқчиликни ривожлантириш ва аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга қаратилган. Кўл бўйида ёки денгиз қирғоғида яшайдиган кишиларнинг асосий тирикчилиги балиқчилик ва овчилик билан ўтиши ҳеч кимга сир эмас. Деярли 4/3 қисми қуриб бўлган Оролбўйи аҳолисининг турмуш даражаси бугун аста-секин кўтарилмоқда. Чунки кўллар яна сувга тўлмоқда.*

*GEF агентлигининг лойиҳаларидан бири «Амударё дельтасида кичик кўлларни ташкил қилиш». Бу лойиҳага Орол атрофидаги кўлларни тиклаш, уларни сув билан тўлдириш, ана ўша кўлларда флора ва фаунани ривожлантириш ҳамда Амударёнинг Оролга қуйилиш жойида катта сув иншоотини барпо этиш ҳам киради.*

*Судочье кўлини қайта тиклаш ишлари 1998 йилда бошланган эди. Икки йил давомида бу ерда амалий ишлар қилинди ва бу айтиш мумкинки, самара ҳам берди. Орол инқирозигача бу ернинг майдони 50 минг гектар бўлган, баъзи олимларнинг фикрича, қачонлардир бу кўл 90 минг гектаргача ҳудудни эгаллаган экан. Судочье кўли нима учун Судочье деб аталади. Қадимда бир киши маҳаллий аҳоли вакилидан бу кўлнинг номи нима деб сўраганида у «Суви дуччи» яъни «Суви чучук» деб жавоб берган экан. Кейинчалик бу Судочье бўлиб ўзгариб кетган. Кўлнинг яна бир халқаро миқёсдаги аҳамиятли жиҳати шундаки, бу ер ғарбдан шарққа учаётган қушларнинг қўналғаси ҳисобланади. Ҳар мавсумда, яъни баҳор ва кузги кўчиш даврида ғарбдан шарққа, шарқдан ғарбга кетаётган қушлар мана шу кўлга қўнадилар, маълум муддат бу ерда бўлиб, сўнгра учиб кетадилар. Агар кўл ҳам Орол каби қуриб қолганида эди, табиатга жуда катта зарар етарди. Қизил китобга кирган кўпгина қушлар, сув ҳайвонлари, балиқларнинг бир неча тури йўқолиб кетиши мумкин эди. Бу ерда айни кунларда турли-туман қушларни учратиш мумкин. Ҳаттоки Табиатни муҳофаза қилиш халқаро ташкилоти томонидан ҳимоя қилинадиган паррандалар рўйхатида турадиган фламинго каби қушлар ҳам Судочьеда мавжуд. Қоравой, оқ қарқара, оққуш каби йигирмадан ортиқ қушлар ҳам ўз тирикчилигини шу кўлда ўтказмоқда.*

*Судочье кўли ҳам яқин-яқингача Орол денгизига қуйиларди. Лекин шундай кетаверса, кўлдаги сув сақлаб қолинмаса, Орол билан бирга кўл ҳам ўз ўрнини қумтепа ва тузтепаларга бўшатиб бериши мумкинлиги аён бўлиб қолди. Оролни тўлдириш катта муаммо, лекин кўлнинг Оролга ўтадиган қисмига дамба, аниқроғи тўғон қуриб, сувни кўлда сақлаш керак. Оролни қутқариш халқаро жамғармаси, GEF агентлиги лойиҳаси асосида бу иш қилинди. Айни кунларда кўлга секундига иккита манбадан 50 кубометр сув кириб турибди.*

*— Сувни Орол денгизига ўтказмаслик ҳисобига Судочьенинг 40 гектарлик майдони қайта тикланди, — дея бизга маълумот берди Оролни қутқариш халқаро жамғармаси Нукус филиали лойиҳалар гуруҳи раҳбари Оспан Каримсоқов.*

*Айни кунларда сувли майдонлар 150 гектардан ошиб кетди. Яқин йиллар ичида бу кўлларда биологик хилма-хиллик тикланади, дельтада аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи яхшиланади. 2003 йилда Судочье кўлида 30 тонна, бошқа кўлларда эса 70 тонна балиқ овланди. Маҳаллий аҳолининг 30 фоизи тўғон ва бошқа сув иншоатлари қурилишига жалб этилди. Табиат ресурсларининг яна қайта тикланаётганлиги, албатта, эртанги куннинг бугунгисидан яхшироқ бўлишига ишора.*

**Шарифа МАДРАҲИМОВА**

**ТАҲРИРИЯТДАН:** ***Ҳурматли муштарийлар. Ушбу рукн остидаги мақолаларимизни кузатиб боринг. Туркум мақолалар тугагач, тест саволлари ҳам эътиборингизга ҳавола этилади.***

## БАҒДОДДА ЯНА ПОРТЛАШЛАР

Бағдоддаги полиция биноси олдида машина портлатилди. Ироқ расмийларининг маълум қилишича, машина портлатилиши оқибатида 9 киши ҳалок бўлган. Ироқ ва АҚШ ҳарбийлари шаҳарнинг Сейдиеҳ мавзесида рўй берган портлаш оқибатида 40 нафар одам жароҳат олганини ҳам тасдиқлади. Жароҳатланганларнинг аксарияти эрталаб ишга кетаётганлар бўлган. Бундан олдин АҚШ ҳарбийлари "Ал-Қаида" гуруҳига алоқадорликда айбланаётган иорданиялик Абу Мусаб ал-Заркавийга қарашли хонадонлардан бирини нишонга олгани ҳақида хабар тарқатилганди.



## ФРАНЦИЯ ШАРОННИ ҚОРАЛАМОҚДА

Франция ҳукумати Исроил Бош вазири Ариэл Шароннинг Франциядаги яҳудийлар анти-семитизм туфайли Исроилга қўчиб келаяпти деган фикрини қоралади. Франция Ташқи ишлар вазири Ариэл Шароннинг бу баёнотини ноўрин деб баҳолади.



Ариэл Шарон бу ҳақда Қуддусда америкалик яҳудийлар делегацияси билан ўтказган учрашувда гапирган: «Франция ҳукуматининг анти-семитизмга қарши курашаётганига шубҳам йўқ. Лекин барибир ҳам у ердаги ватандошларимга бир нарсани— яъни тезроқ Исроилга кўчиб ўтишларини маслаҳат берган бўлардим. Яна бу фикрни мен ер юзининг турли бурчакларида яшаётган яҳудийларга ҳам айтиб келмоқдаман» деган Шарон. Франциянинг 60 миллионлик аҳолисидан 600 мингини яҳудийлар ва 5 минг нафарини мусулмонлар ташкил қилади.

## 21- БАХТСИЗ ҲОДИСА

Украинанинг Родинск шаҳрида жойлашган "Краснолиманск" шахтасида кутилмаганда портлаш содир бўлди. Бу хабарни Украинанинг Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг матбуот хизмати тарқатди. Воқеа содир бўлгандан сўнг бир соат ичида 21 нафар кишининг халок бўлганлиги аниқланди. Қидирув натижасида яна тўрт нафар ишчининг мурдаси топилган. Бундай катта ҳалокатлар Украинада охирги 12 йил ичида 21 марта содир бўлган. Бунинг оқибатида 600 нафар киши ҳалок бўлган.



## ЛОЙИҲА ОВОЗГА ҚЎЙИЛДИ

БМТ Бош Ассамблеяси жаҳон суди томонидан Исроилнинг Ғазо минтақасида кўтарган деворини олиб ташлаш ҳақидаги лойиҳасини овозга қўйди. Шу ой бошларида халқаро суд Исроилнинг Ғазо минтақаси бўйлаб кўтарган 600 километрлик девори халқаро қонунларда зид эканлиги ҳақидаги хулосага келганди.



Исроил эса мазкур девор мамлакатни Фаластин жангариларидан ҳимоя қилиш учун қурилганлигини таъкидламоқда.

Нафиса ХОЛМЎМИНОВА тайёрлади.

"Ma'rifat" газетаси жамоаси газета таҳрир ҳайъати аъзоси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Жуманазар Бекназаровга турмуш ўртоғи

Ўғилой МАНСУРОВАнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

*Safar taassurotlari*

# МИСР ЁШЛАРИ ҲАДДАН ЗИЁД КЎП ЎҚИШАДИ



***"Ёшлар овози" кўрсатувининг бошловчиси Дилноза Қаюмованинг номини тенгдошлари яхши билишади. Ўзининг қизиқарли, мунозарали лавҳалари билан ёшлар эътиборини қозонган бу қиз Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетида таҳсил олади. Дилноза ўтган йили араб тили бўйича ўтказилган танловда ғолиб чиқиб, Миср Араб Республикасининг нуфузли олийгоҳларидан бири бўлган Ал-Қоҳира университетида ўқиш имкониятини қўлга киритиб, ўтган ўқув йилининг бошида Мисрга кетган эди. Ўзбекистон билан Миср Араб Республикаси ўртасида таълим тўғрисида тузилган шартнома асосида кейинги саккиз йил ичида борган талабаларнинг орасида Дилноза қизлардан биринчисидир. У Ал-Қоҳира университетининг журналистика (Ахборот факультети) йўналиши бўйича таҳсил олди. Яқинда Дилноза ўқишни тугаллаб Ўзбекистонга қайтди. Қуйида мухбиримиз Дилноза Қаюмова билан Миср Араб Республикаси таълим тизимининг ўзига хослиги ҳақида суҳбатлашди.***

**—Дилноза, сўнгги пайтларда ёшларимизнинг хорижий давлатлар олий ўқув юртларида таълим олиши одатий ҳолга айланиб қолмоқда. Эътироф этиш керак бу, албатта, мамлакатимиз мустақиллигининг шарофати туфайлидир. Бироқ Шарқ мамлакатлари, хусусан, Мисрда ёшларимиз, айниқса, ўзбек қизлари кам. Шунингдек, журналистика соҳаси бўйича ҳам сиз биринчи ўзбек қизларидан бўлсангиз керак-а?**

—Ҳа, менга Ал-Қоҳира университети Ахборот (журналистика) факультетига ўқишга борган қизлардан биринчи бўлиш насиб этди. Бошқа соҳалар бўйича Мисрнинг турли олийгоҳларида ватанимиздан кўплаб ёшлар таълим олишади. Лекин журналистика соҳаси бўйича ҳозирча кам. Менимча, энди кўпайса керак.

**— Ҳозирги ёшлар, нафақат бизнинг мамлакат, балки дунё ёшлари Ғарб мамлакатларида билим олишга ошиқадилар. Сиз эса аксинча Шарқ мамлакатида таълим олдингиз. Нима деб ўйлайсиз, унинг ҳам Ғарб билан бўйлаша оладиган томонлари борми?**

— Албатта, ҳозирги ёшларимизнинг Ғарбга интилишлари ўрганган хорижий тилига қараб белгиланади. Шу маънода роман-герман тиллари бизда анча урф бўлган. Шарқ тиллари, хусусан, араб тилини ўрганиш энди-энди одат тусига кирмоқда. Бу ҳам кўпроқ мустақилликдан кейин. Бироқ, бу Шарқ мамлакатлари ривожланишдан орқада деган тасаввурни бермаслиги керак. Ўзингизга маълумки, Миср Араб Республикаси дунёга машҳур мамлакатлардан бири ҳисобланади. Айниқса, унинг кўҳна эҳромларини билмайдиган кишининг ўзи йўқ. Саноати, иқтисоди жуда ривожланган. Унинг таълим тизими ҳам жаҳоннинг машҳур олий ўқув юртларидан қолишмайди. Ал-Қоҳира университети нафақат Мисрда, балки дунёдаги энг нуфузли ўқув юртларидандир. Бугунги кунда университетда 600 минг талаба таҳсил олади.

**— Ал-Қоҳира университети, хусусан, Ахборот факультетида ўқитиш тизими қандай йўлга қўйилган? Улар бизнинг таълим тизимимиздан нимаси билан фарқ қилади?**

— Университет микёсида эмас, ўзим ўқиган Ахборот факультети мисолида гапирадиган бўлсам, ўқиш жуда оддий ва содда. Бир йилда талабалар фақат беш-олти предметни ўқийдилар, холос. Фақат битта йўналишга асосланади. Қуйи курсларда, аниқроғи, учинчи курсгача дарслар умумий тарзда ўтилади. Учинчи курсдан кейин ихтисослашади. Яъни, талабанинг қизиқишига қараб радио, телевидение, газета, журнал, жамоатчилик билан ишлаш ва ҳоказога бўлинади. Факультетнинг ўзида талабаларнинг таълим олишлари учун шароитлар максимал даражада яратилган. Ўқув телестудиялари, радиостудия, монтажхона, ўқув газетаси бор. Уларнинг ҳаммасини талабалар ўзлари бошқарадилар. Мисол учун биргина университетнинг кўпгиражли ўқув газетасини чиқариш мана шу факультетнинг талабалари зиммасида. Газета рангли, катта тиражда ва арзон чиқади. Битта газета бизнинг пулга бор-йўғи 25 сўмга тўғри келади. Унда талабалар учун қизиқарли, бир оз шов-шувли воқеалар ҳам берилади.

Яна бу ердаги ўқитишнинг ўзига хос томони шундаки, мана биздаги талабалар ёзги амалиётда таҳририятларга, радио-телевидениеларга боришади. У ерда бунга эҳтиёж йўқ. Талабалар амалиётни ҳам шу ерда ўтайдилар. Чунки бунга ҳамма шароит бор.

**— Барибир муҳит, ижодий жараён, деган тушунчалар ҳам бор-да. Айтайлик, агар талаба ўқув телевидениесига эмас, давлат телевидениесига кўрсатув қилгиси келди дейлик, ўқишни битиргунча кутиши керакми?**

— Йўқ, ундай эмас. Бу ерга амалиётчиларнинг ўзлари келишади. Ҳар чоршанба талаба ўзининг режасини тузиб чиқиши керак. Агар талаба телевидениега бирор лавҳа ёки кўрсатув қилишни хоҳласа, аввал унинг ғоясини сўрайди. Ўша ғоя уларга ёқса, техника билан таъминлайдилар. Талаба хоҳлаган жойидан, ўзи хоҳлаган тасвирини олиши, кўрсатув тайёрлаши мумкин. Шу ўринда бир нарсани айтишни хоҳлардим. Агар ғоя яхши бўлса, унинг муаллифлик ҳуқуқини сотиб олишлари мумкин.

**— Сизда араб тилида гапиришга қийинчилик бўлмадими? Ёки тил билан боғлиқ муаммолар ўқишингизга халақит бермадими?**

— Қийинчилик бўлди, ҳатто жуда ҳам. Буни яширмайман. Икки ойгача қийналганимдан йиғлаган, баъзан қайтиб кетгим келган ҳолатлар ҳам бўлди. Чунки университетда биз араб тилининг адабий формасини ўрганганмиз. Бутун арабларнинг бор-йўғи 20 фоизигина адабий тилда гаплашишади. Биз араб лаҳжаларини, айниқса, Миср лаҳжасини умуман билмаганмиз. Бошида гапларига тушунмай қараб тураверардим. Икки ойдан кейингина кўникдим. Тилни яхши ўрганиш учун қўшимча курсларга қатнашдим.

**— Бошқа яна қайси мамлакатлардан талабалар бор эди?**

— Дунёнинг кўплаб мамлакатларидан, хусусан, Япония, Корея, Россия, Хитой, Канада, Грузия, Монголия, татаристонлик талабалар билан бирга ўқиш жараёнида дўстлашиб кетдим. Улар билан асосан араб тилида сўзлашдик. Ётоқхонада турли миллат қизлари билан бирга турдим. Улар билан яқин дугона бўлиб яшадик. Тартиб-интизом жуда қаттиқ. Кимдир соат 10 дан кеч қолса, ётоқхонага киритилмайди. Кунига уч маҳал иссиқ овқат, икки маҳал ширинлик беришади. Дарсларга ўз вақтида бориш керак. Ҳар куни ўтилган дарс юзасидан реферат тайёрлаймиз. Бунинг учун китоб ўқиш, берилган адабиётлардан манба қидириш керак. Ўқитувчилар ўша рефератларнинг ичидан энг яхшиларини танлаб олишса, бу бизнинг фойдамизга балл ҳисобланади. Яна бир мени ҳайратда қолдирган жиҳати араб талабаларнинг ҳаддан зиёд кўп ўқишларидир. Уларни умуман бўш кўрмайсиз. Қачон қараманг, китоб ўқиш билан банд бўлишади. Ўқиш бепул бўлгани билан китоблар қиммат ва топиш қийин. Шунинг учун кутубхоналардан китоб олиб ўқишади. Вақтни қадрлашади.

**— Ўқишдан ташқари Миср тарихи, маданияти билан танишиш имконияти ҳам бўлдими?**

— Ҳа, университетда талабалар клуби бор. У ҳар хил экскурсияларни, саёҳатларни ташкил қилади. Бу оддий фуқароларга нисбатан анча кам харажатни талаб қилади. Биз ўша дунёга машҳур эҳромларни бориб ўз кўзимиз билан кўрдик. Фиръавнлар тарихи билан боғлиқ музейларда бўлдик. Миср тарихига оид манбаларни ўқиб-ўргандик.

**— Хорижий давлат сифатида Мисрнинг ўзингизга ёққан ва ёқмаган томонларини фарқладингизми?**

— Бир сўз билан айтганда, мусофирчиликни кўрдим. Жуда кўп дўстлар, ҳақиқий дўстлар орттирдим. Гарчанд қийналишимга қарамасдан ўз устимда яна ҳам кўпроқ ишладим. Кўнглим тўлмаган жиҳати, агар ўта хушёр бўлмасангиз қоҳираликларга чув тушиб қолиш ҳеч гап эмас. Жуда қув бўлишади. Кейин Қоҳира катта шаҳар бўлганлиги учун одам жуда кўп ва шу боис ҳам тозаликни сақлашнинг имкони йўқ. Хумасе деган шамоли бор. Борлиқни чанг-тўзонга буркаб юборади. Узоқдан туман кўринади. Лекин у аслида туман эмас, чанг. Кўз очишга имкон бермайди. Шунга қарамай барча бошқа миллатлар, халқлар қатори мисрликлар ўз ватанларини яхши кўрадилар ва унинг равнақига хизмат қиладилар.

**— Ўзбекистонга қандай таассурот билан қайтдингиз?**

— Араб тили ва дипломатия бўйича Ал-Қоҳира университетини тугатган талаба сифатида диплом олдим. Шунингдек, журналистиканинг 4-курсини тамомлаганим ҳақида ҳамда араб тилини ўзлаштириш бўйича гувоҳномага эга бўлдим. Албатта, қўшимча билим, малака, тажриба ва бир олам таассурот билан қайтдим. Ўйлайманки, ушбу сафар менинг олдимда турган ижодий фаолиятимда муҳим ўрин тутади.

**— Суҳбатингиз учун раҳмат.**

**Назира ҚУРБОН қизи суҳбатлашди.**

*Xalil Ahmedovich dunyoda birinchi bo'lib mukammal parashyut nazariyasini yaratgan.*



# ЭЙНШТЕЙН ТАН БЕРГАН ЎЗБЕК ОЛИМИ

Мустақиллик шарофати ила халқимизнинг улуғ фарзандлари ҳаётини, уларнинг буюк кашфиётларини, аждодимизнинг дунё маданияти ривожига қўшган ҳиссаларини яна бир бор тўлалигича англаб қувондик, уларнинг дунёга машҳур, лекин халқдан сир тутилган асарларини қайта-қайта ўргана бошладик.

Ал-Фарғоний, Ал-Хоразмий, Баҳовуддин Нақшбанд сингари кўплаб алломаларимизнинг тарих саҳнасидан ҳаётимизга қадам қўйганлигини катта байрам қилдик.

Шундай қувончли кунларда ҳар сафар беихтиёр ўйланиб қоламан. Гоҳида бир маъюс ҳис қалбимни парчалаб-парчалаб кетгандай бўлади.

Наҳотки, жаҳон маданиятини ларзага солгудек янгиликларни кашф этган аждодларимиз фақатгина узоқ мозийда яшаганлар. Наҳотки, кейинги юз йилликларда ўзбек деб аталмиш халқимнинг дунё фозиллари ҳавас қилган, ман-ман деган кашфиётчиларни лол қолдирган фарзандлари бўлмаган.

Наҳотки, менинг миллатимга мансуб бўлган биронта шахс ўзбек халқининг буюклигига дунё аҳлини ишонтиришга ҳаракат қилмаган.

Бўлиши мумкин эмас, дунёга Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоийни тарбиялаб берган халқнинг фарзандлари буюкликка даъвогарлик қилишга мажбурдир. Аждодлар руҳи шуни талаб қилади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг коммунистик мафкура ҳукмронлик қилган даврдаёқ мустақилликнинг илк қадамларидан бири ҳисобланган Президентлик лавозимини тарих саҳнасига олиб чиққанлигини олайлик. Шу биттагина қадам ҳам Президентимиз тимсолида халқимизнинг буюкликка дахлдор эканлигини тарих саҳифасига олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйди.

... Бобом саволларимга жавоб бериш ўрнига менга "Халқ фарзандлари" номли мўъжазгина китобчани тутқазди.

Китобдаги "Чағир тошли сўқмоқлар" номли мақолани ўқир эканман, қувониб кетдим, қисқа-қисқа сатрлар гўёки дунёни титратган буюк сиймолар сингари кўз олдимдан ўта бошлади.

Халқимиз фарзандлари турғунлик йилларида ҳам буюк аждодининг этагини тутганлигига ишондим, унинг улуғлигига, келажагимизнинг буюклигига шубҳам қолмади.

Мени бунчалик ларзага солган сатрлар "шўро"лар тузумида идеология марказларидан бири ҳисобланган Москва давлат университети аудиториясида ҳам "ўзбекча дўппи кийишни ор қилмаган, ўзбек дўпписини кийишдан қўрқмаган" юртдошимиз Халил Ахмедович Раҳматуллаев (Рахматулин) шаънига тегишли эди.

Ёш Халилнинг одамлар эшигида сарсон-саргардон юриб, қашшоқлик билан ўтган болалиги, камбағал болани ҳимоя қилганлиги учун Асқар бойдан калтак еганлиги, ҳар қандай қийинчиликларга қарамасдан китоб ўқишдан воз кечмаганлиги, мардикорликдан топган пулига, оч қолса-да, китоб сотиб олиб ўқиганлиги ҳақидаги сатрларни берилиб ўқидим.

Унинг Фарғоний, Абу Райҳоний Беруний, Ибн Сино, Абу Наср Фаробий, Маҳмуд Қошғарий, Али Қушчи, Ғиёсиддин Жамшид, Заҳириддин Бобур сингари улуғ ўзбек олимларининг китобларини ҳам ўқиганлиги, нафақат ўқиганлиги, ҳатто, "Алжабр ва Алмуқабала"ни форсчадан ўзбекчага ўгирганлиги мени ҳайратлантирди.

Айниқса, узун чопон, дўппи, кенг этик кийган Халилнинг москвалик талабалар еча олмаган масалани жуда тез ечиб, машҳур профессорнинг эътиборини қозонганлигини ўқирканман, кўзларим ёшланиб кетганлигини сезмай қолдим.

Ҳалил Аҳмедович 1934 йилда Москва давлат университетини имтиёзли диплом билан тугатиб, 1937 йилда номзодлик, 1943 йилда эса докторлик диссертациясини ёқлаган.

Халил Аҳмедович дунёда биринчи бўлиб мукаммал парашют назариясини яратган, унинг кўндаланг зарба назариясига, фанда "Рахматулин тўлқинлари" деб номланган юксизланиш тўлқинларини кашф этганлигига дунё олимлари тан берган. Ушбу назарияларнинг қўлланиши натижасида яратилган аэростатлар Москва, Ленинград, Боку каби шаҳарларни гитлерчи босқинчилардан мудофаа қилишда қўл келган.

Китобдаги қуйидаги сатрларни ўзгартирмасдан келтиришга жазм қилдим:

"Альберт Эйнштейн Совет Иттифоқига ташриф буюрганда, ўзбек ўғлони Халил Аҳмедович Рахматулин билан фан ҳақида узоқ гаплашди. Шунда Альберт Эйнштейн:

— Ҳали бу йигит жуда машҳур бўлиб кетади! У туғма механик! — деди".

"Чағир тошли сўқмоқлар"да академик Халил Аҳмедовичнинг Москвада ижод қилганлигига қарамасдан, ўзбек механикасининг ривожига муттасил раҳбарлик қилганлиги, ўзбек зиёлилари, хусусан, Муҳаммад Ўразбоев, Иброҳим Мўминов, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Қори Ниёзий, Одил Ёқубов, Тошпўлат Ширинқулов каби эл севган олим ва ижодкорлар билан жуда қадрдон эканлиги ифодаланган.

Ўзбекистонда кўп жойлар, хусусан, пойтахтимизнинг академиклар шаҳарчасидаги кенг кўча, Нурота туманидаги 41-сонли ўрта мактаб атоқли олим номи билан аталади.

Бироқ шундай юртдошимиз борлигини, унинг фан тараққиётига қўшган ҳиссасини англагач, ўйланиб қолдим. Биз халқимиз ўтмиши тўғрисида кўп қайғурсак-да, назаримда, яқин ўтмишимизни ҳам яхшироқ ўрганмаганмиз. Билганларимизни эса элу юрт англайдиган даражада ёритиб бермаганмиз.

Шу боис мустақиллик тарбиялаган ёш авлодга нафақат узоқ ўтмишимизни, балки яқин тарихимизни ҳам етказиш, яқин-яқинда яратилган буюкликларни ошкор этиш, улуғлар ҳаёти ва фаолиятини тарғиб этиш барчамизнинг бурчимиздир. Бу йўлда ушбу инсонларни кўрган, улар билан ҳамсуҳбат бўлган, уларнинг таълимини олган шогирдларнинг қарзи бениҳоядир.

"Халқ денгиздир" деганда шоиримиз нақадар ҳақ. Зеро, денгиз мавжлари ҳеч қачон тўхтамагани сингари халқ ҳам доим буюкликка интилади. Асл фарзандлар унинг буюклигини асраш учун фидоийлик қилади.

Дунёни ларзага солган, А.Эйнштейннинг назарига тушган, "ўзбек механикасининг отаси" ҳисобланган, олис-олисларда ҳам ўзбек дўпписини кийиб ўзга миллат вакилларига ўзбекча меҳрни сингдиришга интилган Халил Раҳматуллаев ҳам шундай фидоийлар тоифасига кириши, шубҳасиз.

**Р.ҲУСАИНОВА,**
**Тошкент давлат юридик институти талабаси**

# КАТТА ҲАЁТ ОСТОНАСИДА

**Оила қадим-қадимдан муқаддас даргоҳ сифатида эъзозлаб келинган. Ўзбек хонадонида оиланинг ўрни ва аҳамияти жуда катта. Гарчанд, эр киши оиланинг раҳбари сифатида эътироф этилса-да, унда аёлнинг, онанинг ҳурмат-иззати бўлакча. Шу боисдан қизларни оила қуришга тайёрлаш — азалдан нозик иш деб қаралган. Қизларни жуда ёшлигидан саранжом-саришта, пазанда, ишбилармон қилиб тарбиялаш — оналарнинг муқаддас бурчи саналган. Бугунги кунга келиб қизларни мустақил ҳаётга тайёрлаш — давлат аҳамияти даражасига кўтарилгани ҳам тасодифий ҳол эмас. Чунки келажак учун соғлом ва баркамол авлод етиштириб бериш асосан аёллар, оналар зиммасида эканлиги ҳаммага аён.**

**Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам она ва бола соғлигини муҳофаза қилишга йўналтирилгандир. Бу борада Зомин туманида ҳам репродуктив саломатликни, ёшлар ва оилаларнинг тиббий маданиятини, соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялашни яхшилаш бўйича кенг қамровли ишлар қилинмоқда. Хусусан, соғлом оилани шакллантириш учун шарт-шароитларни такомиллаштириш ва оилада юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш соҳасида амалий ишлар қилиниб, аҳоли ўртасида айниқса, аёллар, никоҳга кирувчи ёшлар билан соғлом оилани шакллантириш муаммолари бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.**

**Албатта, бу борада никоҳдан ўтиш учун ариза берган йигит-қизларга оила тилсими, турмуш қуриш сирлари тўғрисида тўғри ва амалий маслаҳатлар беришнинг аҳамияти катта. Туман ФҲДЁ бўлими қошида фаолият кўрсатаётган «Оила дорилфунуни» бу борада бўлажак келин-куёвларнинг яқин маслаҳатгўйига айланиб бормоқда. «Оила дорилфунуни» ҳар ойнинг охирги жума куни машғулотлар ўтказади. Унда «Никоҳ тузиш тартиби ва шартлари», «Эр-хотиннинг шахсий-ҳуқуқий мажбуриятлари», «Никоҳ, оила ва фарзанд», «Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг маънавий асослари», «Қариндошлар билан ва эрта никоҳга киришнинг олдини олиш», «Никоҳгача тиббий кўрикдан ўтишнинг саломатлик учун зарурлиги», «Оилада мулоқот, кийиниш, рўзғор юритиш маданияти» каби мавзулар кенг ўрин олган. Машғулотларни ўтказишга туман хотин-қизлар қўмитаси, ички ишлар бўлими, маънавият ва маърифат кенгаши, «Соғлом авлод», «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими фаоллари жамғармаси жалб этилмоқда.**

**Республикамиз ҳукуматининг қарори асосида никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш қатъий йўлга қўйилмоқда. Ана шу қарор асосида ўтган йили қайд этилган 622 та никоҳдан 555 жуфтлик тиббий кўрикдан ўтди. Оила қураётган йигит-қизларнинг тиббий кўрикдан ўтиши нафақат келин-куёвнинг саломатлиги учун, балки келажакда туғиладиган зурриёдларнинг соғлом дунёга келишида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шуни инобатга олиб, бу борада ёшлар ўртасида тушунтириш-тарғибот ишларини жонлантирганмиз. Бундай учрашувлар Даштобод шаҳри, «Оби-ҳаёт», «Янги ҳаёт» қишлоқ фуқаролар йиғинларида, тиббиёт ва қишлоқ хўжалик коллежларида, 15 га яқин мактабларда бўлиб ўтди. Амалий учрашувларда ёшлар мутахассислар билан ўзларини қизиқтирган саволлар юзасидан қизғин баҳс-мунозаралар олиб бордилар. Тумандаги ўсмир қизларнинг 2855 нафари акушер-гинекологлар томонидан профилактик кўрикдан ўтказилиши ҳам ана шу ташвиқот ва тушунтириш ишларининг самарасидир.**

**Соғлом авлод юрт таянчидир. Соғлом авлодни эса соғлом оналар дунёга келтиради. Бугунги ўсмир ва қизлар вақти келиб, ота-она бўладилар. Шундай экан, йигит ва қизларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, улар қурган оиланинг мустаҳкам бўлишини таъминлашга ҳар биримиз масъулмиз. Бу масъуллик бизларни ҳамиша ёшларга тўғри йўл кўрсатишга чорлайди.**

**Мавжуда ШОМАТОВА,**
**Зомин туман ФҲДЁ бўлими мудираси**

*Ta'lim fidoiylari*

# ҲОРМАНГ, УСТОЗ!



Сўнгги қўнғироқ. Ўқувчи ҳаётидаги энг азиз кунларнинг бири. Мана, мактаб ҳовлиси турли рангдаги байроқча ва шарлар билан безатилган, барча байрамона кайфиятда. Ўқувчилар чеҳрасида шодлик ва табассум. Барчанинг нигоҳи оқ-алвон лента тақиб қалдирғочлардек саф тортиб турган битирувчиларда. Уларнинг шодлиги лов-лов чақнаб турган чаросдек кўзларида намоён бўлса, қалбларидаги ҳаяжонни овозларидаги титроқ ошкор этади.

Бу манзара ранго-ранг гулларга тўла, ўзининг муаттарлигию гўзаллиги билан киши нигоҳини ўзига қаратиб юракни ром этувчи тенги йўқ гулзорни эслатади.

Беихтиёр ҳар қандай гўзалликка шайдо кишининг кўнглида шундай савол туғилади:

— Ахир шунчалик тароват боғбон меҳнатининг самараси эмасми?..

Ҳа, Ҳаёт деб аталмиш шу гўзал гулзорнинг боғбони муаллим. Муаллим шундай зотки унинг борлигини сезишмайди, лекин унинг меҳнатининг самарасидан барча ҳаёт завқини суради...

Шундай хаёллар оғушида ғарқ бўлган Улуғбек акани кимнингдир «Ҳорманг, устоз!» дегани сергаклантирди. Қараса, ёнгинасида бир тўп шогирдлари туришарди.

«Ассалому алайкум, устоз. Бизлар 25 йил олдин битириб кетган шогирдларингизмиз». Шогирдлар бири-бирига гал бермай устозни қутлаб миннатдорчилик изҳор этарди, устознинг бўлса ҳаяжондан гапи-гапига қовушмас эди...

«Ҳорманг, устоз!» Қанчалик мазмун, қанчалик куч-қудрат бор экан бу сўз замирида. Улуғбек ака шу сўзни эшитдию, худди шу йили олийгоҳни битириб келган ёш ўқитувчи мисоли яна ишга шўнғиб кетди. Раҳбарнинг юзидаги табассум ва ундаги ғайратни кўрган бошқа ўқитувчиларнинг ғайратига-ғайрат қўшилди. Жамоани буйруқ билан эмас, шахсий намуна билан бошқариш Улуғбек акага хос фазилат.

Сизларга таништирмоқчи бўлганимиз, 32 йиллик иш тажрибасига эга бўлган ўқитувчи, Оқ олтин туманидаги А.Ҳусанов номидаги 8-ўрта мактаб директори Улуғбек Сайдалиевдир. Бу инсонда муболағасиз ҳали ёш ўқитувчининг ғайрати мужассам.

Улуғбек ака раҳбарлигида мактаб тез орада вилоятнинг етакчи мактаблари қаторига қўшилди. Вилоятда туман шарафини ҳимоя қилиш, турли кўрик-танловлардаги ғолиблик, мактаб битирувчиларининг ҳаётда ўз ўринларини топиб кетиши, жамоада тумандаги энг илғор ўқитувчиларнинг тўпланганлиги, мактаб биносининг тоза, озода ва гўзал ҳолатда сақланиши ва ҳоказо, буларнинг барчаси Улуғбек Сайдалиевнинг меҳнат самараси десак муболаға бўлмайди. Бир инсонда мужассам бўлиши мумкин бўлган куч, ғайрат, ирода Улуғбек акада мавжуд. Бундай ҳаракатчанлик, албатта, беиз кетмади. Улуғбек ака бугунги кунда Халқ таълими аълочиси, катта ўқитувчи, олий тоифали ўқитувчи ва яна бир қатор педагогик унвонлар эгаси.

Халқ суйган устозни Ватан ҳам эъзозлайди.

Бугун Улуғбек аканинг кўкрагини «Шуҳрат» медали безаб турибди. Улуғбек Сайдалиев каби фидоийларга «Ҳорманг, устоз!» деган сўз — энг олий мукофот.

**Юсуф ШОДИЕВ**

# ҚОСИМЖОНОВ ДУНЁНИ, ҚОСИМОВ ОСИЁНИ ЛОЛ ҚОЛДИРДИ

Футбол бўйича Осиё чемпионати Европа чемпионати ҳамда Олимпиада ўйинлари билан бир йилда ўтказилаётгани унинг мавқеига таъсир кўрсатиб, мухлислар қизиқиши сусайишига сабаб бўлаяпти. Шу сабабли ОФК кейинги қитъа чемпионатини 2007 йили ўтказишга қарор қилди. Ундан кейинги мусобақалар яна ҳар тўрт йилда, тоқ йиллари уюштирилади. “Осиё Кубоги-2007”ни қабул қилиш учун ҳозирда Малайзия, Вьетнам, Индонезия ва Таиланд давлатлари даъвогарлик қилишмоқда. Яна бир янгилик — кейинги қитъа чемпионати саралаш



баҳсларида қитъа чемпиони ҳам иштирок этади. Буларнинг барчаси — Осиё футболи савиясини кўтариш учун қилинаётган ҳаракатлар. Асосий масъулият барибир футболчилар зиммасида қолади. Хитойда бошланган XIII Осиё чемпионати бу борада ҳам олдинга силжишлар рўй бераётганидан дарак бермоқда. Гуруҳ баҳслари 1-турида қайд этилган натижалар шундай хулосага келишимизга асос бўлади.




Натижалар:

**“А” гуруҳи**

Хитой — Баҳрайн — 2:2

Қатар — Индонезия — 1:2

**“В” гуруҳи**

Ж.Корея — Иордания — 0:0

Қувайт — БАА — 3:1

**“С” гуруҳи**

Саудия Арабистони — Туркманистон — 2:2

Ироқ — Ўзбекистон — 0:1

**“D” гуруҳи**

Япония — Уммон — 1:0

Эрон — Таиланд —

Ҳар ҳолда, “Евро-2004”дагидек бўлмасада, “Хитой-2004”да ҳам ўзига хос кутилмаган натижалар қайд қилинди. Осиё грандлари — Хитой, Саудия Арабистони, Жанубий Корея мос равишда Баҳрайн, Туркманистон, Иордания каби ўртамиёна деб ҳисобланадиган терма жамоаларни енга олмаган бўлса, Қатар ва Ироқ терма жамоалари FIFA рейтингида ўзларидан анча қуйи поғонани эгаллаган Индонезия ва Ўзбекистон термаларига ютқазиб қўйишди (Қатар — 55-ўрин — Индонезия — 96-ўрин; Ироқ — 43-ўрин — Ўзбекистон — 81-ўрин).

Рустам Қосимжоновнинг оламшумул ғалабасидан руҳланган вакилларимиз футболимизнинг тирик афсонаси Миржалол Қосимовнинг маҳорати эвазига муваффақият қозонишди. Қосимов жарима тўпини амалга ошириш бўйича Осиёда тенгсиз эканлигини яна бир бор исботлади.

Ушбу натижалар мухлисларнинг янада шиддатли баҳсларни томоша қилишлари мумкинлигидан дарак бераётгандай. Хитойда ҳам янги етакчилар, янги юлдузлар бўй кўрсатиши, қайсидир жамоа мусобақа кашфиётига айланиши, шубҳасиз. Биз ушбу етакчи ва юлдузлар жамоаси — Ўзбекистон терма жамоаси бўлишини хоҳлаймиз!

**Ҳусан НИШОНОВ**

# ТЕННИСНИНГ ОҲАНРАБОСИ БОР

Бисотидаги бор ирода ва қувватини ишга солиб, жаҳон ареналарида она юртни дунёга танитиш мақсадида интилиш масъулиятли, албатта. Иқтидорли ракеткачи Фаррух Дўстов бу масъулиятни зиммасига олганида ёшгина йигит эди. У машғулотларга қатнай бошлаган дастлабки кезлардаёқ мутахассислар назарига тушди. Ўн икки ёшида илк маротаба хорижга чиқиб, беш йил мобайнида жаҳоннинг юздан ортиқ давлатларида бўлди. Юртимизда теннисга бўлган эътиборнинг ошганлиги боис АҚШ, Испания мамлакатларидаги дунёнинг нуфузли теннис академияларида таҳсил олди. У гоҳ ютар, гоҳ ютқазар, асосийси теннис унинг ҳаёт мазмунига айланиб борарди. Ўтказган тинимсиз машғулотлари ва изланишлари вақти келиб ўз самарасини бера бошлади. Фаррух илк йирик ғалабасини Апеннин оролларидаги Мирано шаҳарчасида қўлга киритди. Бу халқаро турнир бир умр ёдида қолиши табиий. У финалда австралиялик Райнер Эйтзингерни енгди. Дастлабки сетда ҳамюртимиз 6/3 ҳисобида ғолиб чиқди. Мусобақадан-мусобақага тажрибасини ошириб борди. “Устозларим менга ҳамиша биринчи тўпдаёқ мухлисларингни ўзингга ром этишга ҳаракат қил, деб ўргатишади. Ҳақиқатда яхши ва қизиқарли ўйин барча миллатни лол қолдиради. Теннис ўйинларини кузатадиган кишилар тил билиши шарт эмас. Унинг ўз тили ва оҳанрабоси бор”,—деб ёзади у хотираларидан бирида.



Қувонарлиси, Мирано турнирида Фаррух Дўстов россиялик теннисчи Михаил Васильев билан жуфтлик баҳсларида ҳам ўз маҳоратини намойиш этди. Бу жуфтлик фақат финалда чехиялик ракеткачилар Дусан Карол-Даниэл Лустликларга (3/6, 0/6) ютқазиб, турнирда фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Бундан олдинроқ эса Фаррух Италиянинг Дорф Тирол шаҳрида ўтказилган мусобақада ҳам иштирок этган эди. Бу мусобақа ҳам “Сателлит” туркумига кириб, унинг мукофот жамғармаси 25.000 долларни ташкил этади. Фаррух ушбу мусобақанинг ҳам финалигача бўлган йўлни мағлубиятсиз босиб ўтди. Ғалабалари эвазига Фаррух пофессионал теннисчилар рейтингида 632-ўриндан 515 ўринга кўтарилиб олди. У Чили ва Испанияда ўтган “Orange Bowl” ўсмирлар жаҳон биринчилиги совриндори. Анъанавий БМТ Кубоги учун ҳар йили ўтказиладиган халқаро турнирнинг уч карра ғолиби бўлган. Унинг галдаги мақсади яқин кунлар ичида дунёнинг кучли беш юз профессионал теннисчиси қаторига қўшилиш.

**Азиз НОРҚУЛОВ**

## ГЕРМАНИЯДАН ОЛТИН МЕДАЛЬ БИЛАН

Германиянинг Люкенвальд шаҳрида эркин кураш бўйича ўтган халқаро турнирда Европа ва Осиёнинг ўндан зиёд мамлакатидан полвонлар гиламга чиқди.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси матбуот хизматидан олинган маълумотларга қараганда унда юртимиз шарафини ҳимоя қилган спортчилардан Помиршо Воҳидов ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлган. Яна уч нафар курашчимиз - Денис Михайлов, Дилшод Бозорбоев ҳамда Рустам Раҳимов кучли ўнликдан жой олди.

## ОМАДГА БОЙ СПАРТАКИАДА

Тошкент вилояти Паркент шаҳрида жойлашган «Бойчечак» болалар оромгоҳида спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси, мини-футбол, енгил атлетика ҳамда миллий ўйинлар бўйича «Спартакиада - 2004» мусобақалари бўлиб ўтди.

Шахмат бўйича ўғил болалар ўртасида ўтказилган беллашувларда Дилшод Эгамбердиевга тенг келадигани топилмади. Қизлар баҳсида Садоқат Дўстова ғолиб бўлди. Шашка баҳсларида Шерзод Олимов биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, стол тенниси бўйича Элмурод Раззоқов шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

«Қувноқ стартлар» ва мини-футбол мусобақалари ҳам қизиқарли беллашувларга бой бўлди. Унда «Болалик» жамоаси вакиллари зафар қучди.

**Фарҳод ПИРМАНОВ**

# КОМИЛЛИК ВА КАМОЛОТ ОМИЛИ

“Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги Республика Президентининг фармони ва шу асосида Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори кучга киргандан сўнг Ҳотамжон Иброҳимов раҳбарлигидаги Олтиариқ туман халқ таълими бўлимида бир қатор тадбирлар белгиланиб, уларнинг ижросини таъминлаш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда.

— Ҳар қандай ҳужжатнинг кучи унинг ижросидадир, — дейди Х.Иброҳимов, — юртбошимиз ва ҳукуматимизнинг болалар спортини ривожлантиришга оид фармон ҳамда қарорларни соғлом ва бақувват келажак, кучли ва ишончли истиқбол учун хизмат қилиши бугунги кунда барчага аён. Шу туфайли ҳам мазкур қарорларнинг ижросини таъминлашга нафақат педагог-тарбиячилар, балки ота-оналар ва ўқувчиларнинг ўзлари ҳам жиддий ёндашмоқдалар. Бу эса ушбу йўналишдаги ишларимизнинг сифат ва самарадорлигини оширмоқда.

Туман халқ таълими бўлими тасарруфида 46 та жисмоний тарбия жамоалари бўлиб, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам дарсда шуғулланувчилар сони 41100 нафарни ташкил этади. 10818 нафар ўқувчи дарсдан бўш вақтларида спорт секцияларида спорт билан шуғулланмоқдалар. 36990 нафар ўқувчи “Алпомиш ва Барчиной” тестларини топширдилар.

Айни пайтда туманда жами 245 та спорт иншоотлари, жумладан, 62 та волейбол, 43 та баскетбол, 31 та футбол, 24 та гандбол, 18 та мини футбол майдонлари, шунингдек, қатор спорт заллари, отиш тири, бассейн ва теннис майдонлари ўқувчи ва ўқитувчилар хизматида.

## ОЛТИАРИҚЛИК СПОРТЧИ ҚИЗЛАР

Туманда 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган болалар 44825 нафар бўлиб, шундан 21523 нафарини қизлар ташкил этади.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 480 нафар, футбол мактабида 490 нафар шуғулланувчи бўлиб, уларнинг 44 нафари қизлардир.

Туман халқ таълими бўлими тизимида 10818 нафар ўқувчи дарсдан ташқари жисмоний чиниқиш билан шуғулланаётган бўлса, уларнинг 37,7 фоизи ёки 3763 нафари қиз болалар.

Тумандаги 3-, 16-, 19-ўқув даргоҳлари спорт бўйича таянч мактаблар ҳисобланади. Бугунги кунда мазкур мактабларнинг барча спорт иншоотлари, спорт заллари тўлиқ қайта қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 20 та мактабнинг спорт заллари томлари янги шифер билан қопланди, мавжуд спорт майдонлари қайта жиҳозланди.

Бундан ташқари маҳаллаларда 7 та ҳар хил спорт майдонлари барпо этилиб, уларда қиз болаларнинг енгил атлетика, волейбол, баскетбол, стол тенниси, шахмат-шашка, ўйиншалари учун қулай шароитлар яратилди.

Олтиариқ спортчи қизлари вилоят ва республика спорт мусобақаларида муваффақият билан иштирок этиб келмоқдалар. Волейболчи ва сузувчи қизлар 2004 йилги “Умид ниҳоллари” мусобақаларининг вилоят босқичида 2-ўринни эгалладилар. 15-мактаб ўқувчиси Нигора Обидова таэквандо бўйича Ўзбекистон чемпионатида кумуш медал совриндори, “Дружба опен” халқаро турнирида ҳам кумуш медал соҳибаси бўлди. Спортнинг таэквандо тури бўйича бугунги кунда 20 нафар, каратэ бўйича 12 нафар, миллий кураш бўйича 18 нафар қизлар шуғулланмоқда. Қизларнинг жанговар спорт турларига қизиқишлари қувонарли ҳолдир.

Ёзги таътил даврида ҳам қизларни спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун иккита ёзги болалар дам олиш оромгоҳи ва 19, 32-мактаблардаги кундузги дам олиш оромгоҳлари, мактаб ҳамда маҳаллаларда спорт секциялари доимий равишда ишлаб турибди.

“Маҳалла” жамғармаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ва туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда ҳозирги кунда ҳам қизлар ўртасида турли спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

**Баҳодиржон ШОКИРОВ,**
**“Ma'rifat”нинг махсус мухбири**

**Parhez noto'g'ri saqlansa, odamning immuniteti pasayib ketar ekan. Bu shu bilan bog'liqki, ishtahani cheklash jarayonida miyani kislorod bilan ta'minlash vositasi hisoblangan temir moddasi kishi tanasidan yuvilib ketadi.**



## *Ko'ngil bitiklari*

### ТЎРТЛИКЛАР

**Боқ тенгсиз оламга, ҳар ён тасалли,**
**Ям-яшил дов-дарахт, осмон тасалли,**
**Кексайган онингда белинга кувват**
**Доно қизу ботир ўғлон тасалли.**

* * *

**Эзгулик, яхши сўз инсон кўркидир,**
**Хуш хулқу ҳаё жонон кўркидир.**
**Ўтар ҳар кунингда вафо не қилсин,**
**Ишқ томон ўгрил у ҳар он кўркидир.**

* * *

**Омонатлар ҳамон омонат эрур,**
**Хиёнатлар мудом хиёнат эрур.**
**Улар ҳаётингда ҳамроҳ, ҳамнафас.**
**Улардан қутилмоқ саодат эрур**

* * *

**Олам ичра танҳо паноҳим, ўзинг,**
**Тасаллою, таваллo, роҳим ўзинг,**
**Умидим ҳидояту ҳимоятдан**
**То мавжуд, номавжуд ҳамроҳим ўзинг.**

**Акбарали МИРЗААҲМЕДОВ,**
**Сирдарё педагогика коллежи директори**

## *Ta'kid*

# ҚИЗЛАР ИФФАТИ БИЛАН ГЎЗАЛ

Кўп қизларимизнинг одоб-аҳлоқи, ақл-фаросати ва ширин муомаласи атрофдагиларнинг кўнглини кўтариб, ҳавасини келтиради. Лекин орамизда шундай қизлар ҳам учраб турадики, уларда на сўзлашиш одоби, на кийиниш маданияти бор. Бунинг сабаби нима экан?

Балки бу оиласида олган тарбияга боғлиқдир, ёки бўлмаса чет эл телеканаллари таъсиримикин? Нима бўлса ҳам бунинг олдини олиш ўз қўлимизда. Уларни тўғри йўлга бошлаш бурчимиздир.

Туғилиб, яшашдан мақсад нима эканлигини тушуниб етмаган, мактабга билим олиш учун эмас, балки қимматбаҳо кийимларини кўз-кўзлаш учунгина бориб келадиган, ота-онасининг меҳнату машаққатига, меҳру муҳаббатларига оқибат кўрсата олмай, умрини беҳуда ишлар билан ўтказиб юрадиган қизлар ҳам учрайди. Шундай катта ёшли қизларнинг ташқи кўринишини ўқитувчи аёл билан фарқлаб бўлмайди, баъзан эса, ёши нотабиий катта кўринади.

Кўча-кўйда кўпчилик ёшгина қизларни меъёридан ўтказиб соч ва юзларини бўяб олганликларининг гувоҳи бўламиз. Ваҳоланки, бундай қизларга ҳавас билан қарашга асос йўқ, чунки, ёшликнинг ўзи тенгсиз гўзаллик, табиий ҳусн ва латофатдир.

Ҳаммамизга аёнки, қизлар улғая боргани сари одамлар назарига туша бошлайди. Хулқи хуш, қадами тўғри, сўзи ширин қиз яхши бир хонадонга келин бўлади. Уни обод қилади ва қолаверса, халқимизнинг қадимий удумлари ва муқаддас анъаналарига содиқлигини исботлайди. Очиқ чеҳрали ва хушмуомала қизлар ҳаммага ҳам ёқади.

Келинглар, қизлар, ҳаммамиз Зебунисо-ю Нодирабегимдек юксак ақл соҳиблари, ё бўлмаса бадиий асарларимизда тасвир этилган Раъно, Ширин, Кумушбибидек оқила-ю доно, ҳаё ва андишада баланд чўққида турган аёлларни эслаб, уларга муносиб авлод бўлишга ҳаракат қилайлик!

**Нозима АҲМЕДОВА**

## Xullas...

### СЕМИЗЛАР ОЗИШДАН БОШ ТОРТИШДИ

Германиядаги тиббиёт институтларидан бирида дунё миқёсидаги муаммо — ортиқча семиришга доир тавсиялар тадқиқ этилди. Очиғини айтганда, ортиқча вазндан додлаб юрганлар учун ҳавола этилаётган бу йўл-йўриқлар шов-шув қилишга унчалик ҳам арзимайди. Бир ойда йигирма кило озиш мумкинлигини эшитиб, олимларнинг тадқиқотига кўпчилик қизиқиб қолди.

Немис тадқиқотчиларининг фикрига кўра, парҳез сақлашда ҳам гап кўп. Парҳез нотўғри сақланса, одамнинг иммунитети пасайиб кетар экан. Бу шу билан боғлиққи, иштаҳани чеклаш жараёнида мияни кислород билан таъминлаш воситаси ҳисобланган темир моддаси киши танасидан ювилиб кетади. Парҳез ақлий салоҳиятни ҳам 12 фоизга қисқартириши мумкинлиги кимнинг хаёлига келибди, дейсиз.

Фақат витаминларни қабул қилиш организмни зарурий микроэлементлар билан таъминлай олмайди.

Гапнинг тагида гап бор, деганларидек, немис олимларининг озмоқчи бўлганларга ҳавола этаётган маслаҳатлари иммунитетнинг пасайиб кетиши билан боғлиқ экан, яхшиси ўз вазнимизда қолганимиз маъқул, дейишмоқда семизлар. Агар улар тавсия этаётган усулда сих ҳам, кабоб ҳам куймаса эди, ортиқча вазни бор одамлар бундан сира бош тортмас эдилар, деб ёзади Австрияда чиқадиган «Фольксштилеме» газетаси.

### ГУЛ САБЗАВОТ ЎРНИДА

Жанубий-Шарқий Осиё халқлари, жумладан, хитойликлар нилуфар гулининг илдизини тановвул қилишга одатлангани кўпчиликка маълум бўлмаса керак. Улар бу гулнинг шох ва баргларини витаминга бой деб ҳисоблашиб, сабзавот ўрнида истеъмол қилиш мумкин, дейдилар ва асосан гўштли таомлар билан аралаштириб ейишади.

Қуритилган нилуфар гулининг баргларидан ажойиб ҳид таралади ва у Хитойда энг тансиқ таом деб эътироф этилган. Бу «Чайна геральд» газетасининг энг сўнгги қизиқарли хабарларидан биридир.

**ana shunaqa gaplar**

## "АРАСТУ" СКАНВОРДИ

**Тузувчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ**



## «БОЛА КЎЗИ БИЛАН КЎРИНГ ДУНЁНИ»

*Инсон табиатидаги соддалик кўпинча унинг ҳаётида панд беради. Кейин дарров омадсизликка йўлиқади. Аслида омадли инсоннинг ҳаётдаги ўрнини унинг характери белгиламайди. Лекин яна бир нарса борки, қачондир шундай бир толе инсон пешонасига қўнадики, шунда унинг бутун турмуш тарзида жиддий ўзгариш юз бериши мумкин.*

*Алишер Навоий номидаги санъат саройида тақдимоти бўлиб ўтган «Қизилжарлик Эшмат» номли кинофильмда илгари сурилган ғоя ҳам инсондаги ана шундай соддалик туфайли юз берадиган ҳаётий воқелик тасвирланган. Қизилжар қишлоғилик кўнглида кири йўқ содда Эшмат ўзини турли ишда синаб кўради. Афсуски, унинг омади юришмайди. Ҳаётга бўлган қизиқиши, яшашга иштиёқи туфайли ҳаёлида кечирган орзуларини реал турмушда қўллаб кўрмоқчи бўлади. Ҳар бир нарсадан ҳафсаласи пир бўлган содда Эшмат охири қишлоғини ташлаб кетмоқчи бўлганида мўъжиза юз бериб, уни тўсатдан катта бахт сийлайди. Дарвоқе, у ўзидан анча кичик бўлса ҳам Тошмат билан кўпинча сирлашиб, уни худди дўстидек кўриб қолади. Унинг гапига кирадиган Эшматнинг болаларча қарашлари, самимийлиги фильмдаги воқеалар ривожига хизмат қилган, дейиш мумкин.*

*Асар мазмунини кундалик ҳаётимизда содир бўладиган турли-туман воқеа-ҳодисалар ташкил қилади. Фильмдаги тасвирлар яхши ишланган. Айниқса ҳар бир актёр ўз ролини маромига етказиб ўйнаган. Ҳар битта кулгили ҳолат ўз ўрнида қўлланилган. Таъкидлаш жоизки, комедия жанрига қурилган мазкур фильм ижодкорларидан бири — бош рол ижрочиси қизиқчи Валижон Шамшиевнинг меҳнати алоҳида аҳамият касб этгани кўринади. Хуллас, кинофильм томошабинларда катта таассурот уйғотмоқда.*

**Ғофур ЖАБИЕВ,**
**«Ma'rifat» мухбири**
**Дилноза ДАДАШЕВА**

Ma'rifat

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси.*

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

*Таҳрир ҳайъати:* Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

**Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида № 024 рақам билан 2003 йил 17 декабрда рўйхатга олинган.**

**ИНДЕКС: 149. Г-829.**
**Тиражи 21368. 1 2 3 4 5 6**
**Ҳажми 4 босма табоқ.**
**Офсет усулда босилган, қоғоз бичими А-3.**

Навбатчи муҳаррир:
Назокат ХОЛМЕТОВА.
Навбатчи:
Ғофур ЖАБИЕВ.

*«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.*
*Ⓜ белгиси остида реклама материаллари берилади.*

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.